

№ 1201
7 93

Б. Тўхлиев, Ҳ. Алиқуллова

ИФОДАЛИ ЎҚИШ

тўғарақ учун материаллар



160100000077

Тошкент-2011

8. 2327

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«Ифодали ўқиш»

тўғараги учун материаллар

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЛАБИЎТИ
КУТУБХОНАСИ

Nizomiy nomi
T D P U
kutubxonasi

012853/64

ТОШКЕНТ – 2011

УДК: 372.4(072)

Ушбу китобда «Ифодали ўқиш» тўгарагида фойдаланиш учун тегишли материаллар жамланган. Ундан олий ўқув юртларидагина эмас, балки таълимнинг турли босқичларида махсус тўгарақларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. У ИДТ 4-154. «Тўгарақлар ишини ташкил этишнинг ташкилий-услубий асосларини яратиш» мавзусидаги давлат гранти доирасида бажарилган. Китобга ифодали ўқиш машқларини бажаришга мўлжалланган матн намуналари киритилган.

Масъул муҳаррир:

педагогика фанлари доктори, профессор **М.Мирқосимова**

Такризчилар:

педагогика фанлари доктори, профессор **Р.Ниёзматова**
филология фанлари номзоди, профессор **С.Йўлдошева**

Мазкур методик қўлланма Низомий номидаги ТДПУ ўқув-методик кенгаши томонидан муҳокама этилган ва нашрга тавсия қилинган.

Кириш

Бадний асарни ўқиш адабиёт дарсларининг ўзагини ташкил этади. Аслида, адабиёт машғулотларининг яхши ёки ёмонлиги, уларнинг самарадорлиги бевосита асарни ўқишнинг қайдаражала йўлга қўйилгани билан чамбарчас боғлиқдир. Ифодали ўқиш ана шундай самарали йўллардан бири бўла олади. Аммо уни амалга ошириш учун нималар қилиш керак? Ифодали ўқишнинг асосий талаб ва мезонлари мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар нималардан иборат? Нима учун кейинги пайтларда ифодали ўқишга эътибор камайгандек тасаввур ҳосил бўлмоқда?

Келинг, жавобни охириги саволдан бошлаб қўя қолайлик.

Ифодали ўқишнинг ўқувчи ёшларнинг интеллектуал ва маънавий, айниқса, бадний-эстетик ривожларидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч ким инкор қилмайди. Шунга қарамай она тили ва адабиёт дарсларида бундай муҳим педагогик ишга нисбатан эътиборнинг наслигини тан олмаслик ҳам мумкин эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири эса ўқитувчининг ўзи, аниқроғи унинг айни ифодали ўқиш жараёنларига мукамал даражадаги тайёргарлигининг етарли эмаслигидир. Албатта, минглаб ва миллионлаб фарзандларимизга она тили ва адабиётга меҳр уйғотадиган, она тилимизнинг битмас-туганмас ифода имкониятларини жуда аниқ, ёркин ва эхтиросли тарзда кўрсатиб бера оладиган ўқитувчи ва мураббийларимиз оз эмас. Аммо уларнинг барчаси ҳам ифодали ўқишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини мукамал ўзлаштирган мутахассислардир, дейиш кишини қийин аҳволга солади.

Биз куйида мана шулар ҳақида суҳбатлашамиз. Суҳбатимиз, асосан, ифодали ўқиш тўғрақларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, мазмуни, бу борадаги асосий муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари устида боради. Фикр-мулоҳазалар ўзбек ва жаҳон адабиётидаги ранг-баранг жанр намуналари асосида билдирилади. Асосий ургуни умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўрганиладиган адабий асарларга қаратамиз. Айни пайтда бадний-эстетик жиҳатдан юксак ҳисобланган сара намуналар ҳам эътиборда бўлади.

Китобнинг асосий мақсади ифодали ўқиш тўғрагини ташкил этган ёш ўқитувчи ва мураббийларга амалий жиҳатдан ёрдам беришдан иборат.

Бадний асарни ҳар бир киши ўқийди. Ўзи учун ўқийди. Аммо ҳар доим ҳам киши китобни фақат ўзи учун ўқийвермайди. Зарур ҳолатларда у бошқалар эътиборини тортиш, уларнинг диққатини айни мана шу асарга жалб этиш учун ҳам ўқилади. Айниқса, таълим жараёнида бу ҳолат устувор мавқе тутаяди. Ўқитувчи учун ўз ўқувчиларини ҳақиқий китобхон даражасига кўтаришдан кўра улуғроқ мақсад йўқ.

ИФОДАЛИ ЎҚИШНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ

Ўқувчиларнинг китоб билан мулоқоти икки ҳолатда амалга ошади: синфда ва уйда. Ҳар икки ҳолатнинг уйғунлиги иш самарасига кафолат бўла олади. Зеро, синфда ўқилган пайтда ўқувчилар мазкур бадий матннинг ўқилиш оҳанглари билан танишади, унинг ифода тарзига эътибор бера бошлайди. Айни пайтда, уйда ўқилган матнда ўқувчи нигоҳи унинг асл моҳиятига, мазмунига қаратилади.

Синфда ўқилган пайтда бадий асарнинг мазмуни, оҳанглари, руҳиятини тушуниш ва идрок этишда ўқитувчининг етакчилиги (кўпинча ҳукмронлиги ҳам) устувор мавқе тутади. Бунда ўқувчиларга ташки таъсирнинг кучи сезилиб туради. Ўқитувчи ўқувчи ва асар муаллифи ўртасидаги воситачи бўлиб қолади. Уйда ўқилганда эса ўқувчи ўзи ўқиётган китоб билан яқка, ёлғиз қолади. Бундай хилватдаги яқинлик туфайли китобдан олинган таассуротлар бевосита бўлади. Бу ерда ўқувчининг ўз шахсий кузатиш ва тажрибалари қўл келади. Шунинг учун ҳам ҳар икки ўқиш туридан маҳорат билан фойдаланиш адабиёт ўқитувчисининг ишдаги муваффақияти учун муҳим омил бўла олади.

Албатта, синфдаги ўқиш ёки уйдаги ўқишни бир-бирига зид қўйиш тўғри бўлмайди. Улар бир-бирини тўлдиради, холос. Шеърый асарларни, кичик ҳажмли эпик асарларни синфда ўқиш унинг руҳини ҳис этиш имконини беради. Аммо ҳажми йирикроқ асарларни тушуниш ва идрок этишда уйда, мустақил ўқиш жараёнидагина катта имконлар пайдо бўлади.

Бадий асарни ўқишда сўзларни тўғри, аниқ талаффуз қилиш талаб этилади. Бир озгина нотўғри талаффуз ҳам шеър, ҳикоя, умуман, бадий асар мазмунини тушунишга ҳалақит бериши ёки унинг мазмунига соя солиши мумкин. Академик Азиз Пўлатович Қаюмов ўз ҳаёт тажрибаларидан бир мисолни келтирадилар:

«Катта танаффус чоғи. Мен синфда ўлтирган эдим, бир ўқувчи кириб мени ўқитувчилар хонасига чақириваётганини айтди. Мен дарҳол ўрнимдан туриб синф эшиги сари юрдим. Синфдан катта йўлакка чиққач, шундайгина чап томондаги биринчи эшикка етиб келдим. Уни сал хайиқиш билан тақиллатиб, сўнг аста очганча хонага кирдим. Бу ўқитувчилар хонаси бўлиб, уч киши ўлтирган эди.

Мен хонага кирган захотим уларга салом бердим. Улар алик қайтардилар. Улардан бири тил ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамзаҳон Аббосов меҳмонларга мени танитдилар. Меҳмонлардан бири машҳур ёзувчи – Ғафур Ғулом. Мен у кишини дарров танидим.

Шундан сўнг Ғафур Ғулом менга бирор янги шеъримни ўқиб бермоқни таклиф қилдилар. Мен Аббосов домулланинг ёнларида курсида ўлтириб эдим. Курсида ўлтирган ҳолда Алишер Навоийга бағишлаб ёзган бир машқ шеъримни ўқий бошладим. Ғафур Ғулом мени ўқишдан тўхтатдилар ва дедилар:

- Шеърнинг ҳурмати учун уни тик туриб ўқиш керак.

Мен сал ҳижолат билан ўрнимдан турдим.

Ғафур Ғулом шеърни диққат билан тингладилар. Шеър ўқилиб бўлгач, у киши мени алқаб бир-икки сўз дедилар, сўнгра бир танбех ҳам қилдилар:

- Сен «ҳаргиз» деб ўқидинг. «Ҳаргиз» дегани ҳеч қачон деган маънони билдиради. Бу ерда эса «ҳар доим», «ҳар қачон» деган маъно аниқлашилмоғи керак. Шунинг учун бу ердаги «ҳаргиз» сўзини бошқа сўз билан алмаштиргин.

Шеърда мен «ҳар кез» деб ёзган эдим. Аммо ўқишда «ҳаргиз» эшитилган. Мен аниқ талаффуз қилмаганман!¹

Ўқитувчи тўғри, чиройли, мақсадга мувофиқ ифодали ўқиш билан бирга нотўғри, хушук, мақсадга мувофиқ бўлмаган ўқишли ўқувчиларнинг кўз ўнгида «кўрсатиб бериши» жоиз. Бунинг учун битта гапни икки хил оҳангда ўқиб бериш мумкин. Агар ўқувчилар унга етарлича эътибор қила олмасалар бу ўқишни такрорлаш ҳам зарар қилмайди. Бундай такрорлаш туфайли ўқувчилар асосий диққат-эътиборини ўқитувчи кўзда тулган мақсадга қарата олади. Бунда қуйидаги айирмалар кўзга ташланиши мумкин:

Нотўғри	Тўғри
Бир хил оҳангда ўқилади	Гапнинг мазмуни талаб қилган оҳангда ўқилади
Нафас олиш нотўғри бўлади	Нафас олиш гап мазмунидан келиб чиқиб амалга оширилади
Бир хилдаги товуш билан ўқилади	Мисралар мазмуни талаб қилган даражада товуш оҳанги ўзгаради
Товушнинг баландлиги ўзгармас бўлади	Ҳар бир сўзнинг талаффузида мантиқий заруратдан келиб чиқиб баланд ёки паст оҳанглارнинг уй унлиги таъминланади.

¹ Қиёмов А. Академик Ғафур Ғулом. – Тошкент, 2002. 8-9-бетлар.

Биргина фонетик товушнинг ўзгариши билан маънода кескин ўзгариш юз беришини мисоллар воситасида кўрсатиш мумкин.

банд – панд	бол-пол
банда – пандда	бора-пора
бир – пир	ваза – фаза
бари – пари	автобус – афтобус
бой – пой	авгон – афгон

Фаробийнинг айтишича, «Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади, тарбия эса амалий иш, тажриба билан, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракат, касб-хунарга берилган бўлиши, ўрганишидир. Агар улар иш, касб-хунарга берилган бўлсалар, касб-хунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни касб-хунарга бутунлай жалб этса, демак, улар касб-хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар»¹. Фаробий ҳатто «ахлоқли одам» деган тушунча доирасидаги талабаларга «сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин»² деган бандни ҳам киритади.

Ифодали ўқиш, айниқса, сахна ижрочилари учун муҳим хусусият ҳисобланади. Аслида, сахна ижодкорларини машҳур қилган ҳислатлардан бири ҳам, мана шу ифодали ўқишнинг ўзидир. Ғафур Ғуломнинг ўғилхонларидан бири, Ғафур Ғулом хонадонида вояга етган шарқшунос олим Ҳусайн Юнусовнинг хотирлашича, «Инсон хусусияти қизиқ. Бир асарни бир неча марта ўқиган бўлишингизга ёки бирор спектаклни бир неча марта кўрган бўлишингизга қарамай, асар қаҳрамонининг тақдири кишини йиғлатмай кўймайди. Худди шу куни ҳам шундай бўлди. «Отелло» спектаклининг охирида чап ёнимда ўтирган укам Мирзо Улуғ йиғлаб, ёнбошдаги директор кабинетига кириб кетди. Ўнг томонимга қарасам, асарни таржима қилган, ҳар нарсага кўз ёш тўкавермайдиган Ғафур Ғулом ҳам йиғлаб ўтирибди.

Уйга боришгача сабрим чидамай дадамга:

- Биз-ку таъсирланиб йиғладик, сиз ўзингиз таржима қилган асарга нега йиғладингиз? – дедим. Машина эшигини очаётган ҳозиржавоб шоир:

- Мен Отелло учун йиғлаганим йўқ, Аброр ўлиб қолса, Отеллони ким ўйнайди, деб йиғладим, - деб жавоб берди»³.

¹ Хайруллаев М. Фаробий. (Ҳаёти ва илмий мероси). - Тошкент. Ўзбекистон, 1991, 71-бет

² Хайруллаев М. Фаробий. 73-бет.

³ Юнусов Х. Ғафур Ғулом ҳақида хотираларим. - Тошкент. Фаъ, 2003, 28-бет.

Академик А.Қаюмовнинг эслашларича, Евгений Эдуардович Бертельсдай одам, йирик шарқшунос. Шарқ адабиётининг энг кучли билимдонларидан бири нотиклик бобида ажралиб турмас эканлар. Натижада Низомийга бағишланган йирик бир анжуманда «ноғиз билан тингловчилар бир-биридан ажралиб қолади»¹.

Ифодали ўқиш тўғарагида тўғарак раҳбарлари ўзлари танлаган асарлар устида машқ ўтказишлари мумкин. Тўғаракларда ўрганиш учун фольклор намуналари, мумтоз ва замонавий асарлар, жаҳон адабиёти намуналари тавсия этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, Абдурахмон **Жомий айтганларидай**, :

Дунёда китобдан азизроқ ёр йўқ,
Ғамхона бу замонда мадаккор йўқ,
Китоб билан танҳо қолган кишига,
Юз роҳат етару сира озор йўқ.

Китоб билан танҳо қолиш мулоқотнинг ўзига хос шаклидир. Аслида, инсон ҳар доим мулоқотлар жараёни ичида яшайди. У бошқаларни эшитади, бошқаларга ўз фикр-мулоҳазаларини етказишга этиёж сезади. Ўйлаган ўйини тўла ва тўғри ифодалаш адабий тил меъёрлари ва мезонларига тўла риоя қилишни талаб этади. Бунинг устига тингловчига фикрни тўла ва тўғри етказиш учун унинг ифодасида ҳам аниқлик бўлиши керак. Демак, фикрни, предмет ва ҳодисаларни аниқ ифодалаб бера оладиган сўзларни топиш ва қўллаш ҳам асосий талаблардан бири бўлади. Албатта, сўзловчи ўз фикрининг тингловчига таъсир қилишини, унда тегишли муносабатлар пайдо бўлишини ҳам кўзда тутати. Бунинг учун оддий эмас, балки образли, таъсирчан сўзларни топиб қўллаш заруратга айланади.

Буларнинг барчасига ифодали ўқишнинг асосий қоидалари, қонуниятлари билан яхши таниб бўлгандан кейингина юз беради. Ифодали ўқиш бадий асар устида олиб борилганида эса мазкур асардаги бадий оламни тушуниш учун ҳам қалит вазифасини адо этади. У бадий асар моҳиятини тушунишни фаоллаштиради. Ифодали ўқиш ўқувчи ёшларнинг китобхонлик, ўқиш маданиятини, ҳикоялашни, қайта ҳикоя қилиб беришни юқори даражага кўтаради.

Ифодали ўқишдаги асосий талаблар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

¹ Қаюмов А. Академик Ғафур Ғулом. – Тошкент, 2005, 8-бет

- Товушларни тўғри талаффуз қилиш;
- Манتيкий талаб таказосига кўра товушни юкорилатиш ёки пасайтириг;
- Нутқ жараёнидаги зарурий тўхтамлар;
- Алоҳида ажаритлиши зарур бўлган сўзларга урғу бериш;
- Ҳикоялаш темпи ва бoшқалар.

Ифодали ўқиш муаллиф бадий ниятининг қайтадан кашф этиш имконини беради, муаллифнинг санъаткорлигини, қолаверса, бадий матннинг санъатга оид моҳиятини бевосита тасаввур этиш ва ҳис қилиш имконини беради.

Ҳар қандай нутқ тегишли оҳанглари талаб этади. Оҳанг (интонация)сиз оғзаки нутқ мавжуд эмас. Ўқувчи, китобхон матн мазмунига сингдирилган оҳангни илғаб олиши, уни туйиши керак. Аслида ҳар қандай бадий асар ўзигагина хос бўлган нутқий оҳанглар билан яшайди, шу туфайли мавжуд бўлади, шу туфайли китобхон қалбидан жой олади. Сўз санъаткорлари таъсирчанлик воситаларига катта эътибор беришган. Бу бежиз эмас. Айниқса, оҳангга улар нутқий таъсирнинг энг олий ва ўткир шакли сифатида қарашган.

Ифодали ўқиш дарсларида ўқиш техникасига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Бунинг учун эса алоҳида, махсус ишлаб чиқилган машқлар тизими зарур бўлади. Ушбу машқлар тизими:

- нафас олиш маромига;
- товушга;
- дикцияга эътибор беришни ўргатади.

Бадий асарнинг ифодали ўқилиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Албатта, болаларнинг ёшига муносиб ҳолда асар танланиши бу йўлдаги муваффақиятнинг биринчи қадами бўлади. Эргак, шеърӣ асар ва масалларнинг ифодали ўқилиши билан улардаги образлар тизимининг моҳиятини англашга йўл очилади. Улар болаларнинг мурғак қалбларига ниҳоятда кучли ва самарали таъсир ўтказди. Айни пайтда улар мазкур асарлардаги бадий борликка – бадий оламга бевосита кириб бориш имконига эга бўлишади. Уларнинг бадий асарни тушунишлари ва ҳис этишлари анча қулайлашади.

Овоз чиқариб ўқилган матн, айтилган нутқ болаларнинг ёшига муносиб мазмун билан зийнатланган, тўғри. уларнинг қизиқишларига мос, оҳангига кўра таъсирчан бўлса, энгил қабул қилинади. Нутқнинг тўғрилигига, ифодалилигига ўргатиш

заруратини сезамиз. Буни амалда кўллаймиз. Яна шу нарсани ҳам унутмаслик керакки, нутқ жозибасини ҳис этишга ҳам ўрганиш лозим бўлади. Бу эса фақат тегишли кўникмалар, узлуксиз меҳнат натижасида ҳосил қилинадиган малакаларга боғлиқдир. Албатта, бу ерда болаларнинг ёш хусусиятлари ҳам биринчи даражали эътиборни талаб қилади.

Мақсад:

- бадний асарларга бўлган қизиқишларни орттириш;
- ўқувчиларнинг китобхонликка бўлган ҳавас ва қизиқишларни кучайтириш;
- ижодий ўзига ҳосликни ривожлантириш;
- эстетик маданиятни тарбиялаш.

Вазифалар:

- ижодий тасаввур ҳамда образли тафаккурни ривожлантириш;
- боғланишли нутқий малакларни такомиллаштириш;
- турли лисоний воситалар ёрдамида ўқувчилар лугат бойлигини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларини шакллантириш ва бойитиш;
- ижодий тасаввурларини ривожлантириш учун имкон яратиш;
- ўқувчи-ёшларнинг бадиий адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатларини кучайтириш.

Ўқиш суръати ва матн мазмунини ўзлаштиришга оид машқлар

Ифодали ўқиш тўғараги машғулотларида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларга эътибор беришга тўғри келади. Шунга қарамай, назарий масалаларни сал орқароққа суриш, дастлаб амалий намуналар устида ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Нега?

Ифодали ўқиш ўқувчилар учун китоб билан ошноликнинг биринчи қадамидир. Ўқитувчининг ифодали ўқиши ҳар доим ўрнак ва намуна мактаби бўлади. Кўшгина ҳолатларда ўқитувчининг ифодали ўқиши болалар қалбига китобга нисбатан муҳаббат уйғотади, уларнинг бадний адабиётнинг сеҳрли оламига жонли қизиқиш билан кириб боришларига муносиб йўлни очиб беради. Шунинг учун ҳам тўғаракнинг дастлабки машғулотларда турли амалий машқларга урғу бериш лозим. Ифодали ўқишнинг айрим назарий масалалари эса бевосита амалиётга боғлиқ ҳолда, шунда ҳам ихчам, аниқ ва тушунарли тарзда муҳокамага тортилиши жонзидир.

Ифодали ўқиш туфайли бадний матндаги ҳақиқий, асл поэтик маъно тезроқ илғанади, идрок этилади. Унда кўзда тутилган асосий поэтик ҳодисалар моҳияти теранроқ тушунилади. Ифодали ўқиш бадний матн билан боғлиқ бўлган дастлабки тушунча ва тасаввурларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. У бадний асар қаҳрамонларига, унда тилга олинган ҳодисаларга нисбатан илқ муносабат ва кайфиятларни пайдо қилади. Ана шу ҳолатнинг ўзи эса бадний асарни тушунишнинг дастлабки, ниҳоятда муҳим қадами бўлади. Ифодали ўқиш бадний асарни таҳлил қилишнинг биринчи босқичи вазифасини адо этади.

Бадний асарни ҳар ким ҳар хил оҳангда ўқийди. Адабиёт ўқитувчиларининг барчаси ҳам бир хилда таъсирчан, ифодали ўқиш талабларини бажара олади дейиш қийин. Аммо унинг бу санъатни тўла ўзлаштиришга интилиши табиий ҳол бўлиши керак. Шунга қарамай, адабиёт ўқитувчиси сахнада туриб асосий ролни адо этаётган санъаткор, актёр эмас. Актёрнинг маҳорати ҳар бир образнинг табиати, унинг асл моҳияти, асардаги вазифаси, ижодкор кўзда тутган бадний-эстетик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг мазкур ҳолати, вазияти, кайфияти, орзу-ўйлари, интилишлари, изтиробларини тингловчи ёки томошабинга мумкин қадар тўла ва таъсирчан тарзда етказишдан иборат.

Адабиёт ўқитувчиларининг барчасига ҳам актёрларга қўйиладиган талабларни тўлалигича қўйиш қийин. Шунга қарамай уларнинг нуктида талаффуз аниқлиги, сўзларнинг аниқ ва бурро айтилиши, ҳар бир асарнинг ўзига хос хусусиятларини, айниқса, уларнинг жанрига, услубига, мавзу ва ифода тарзига алоҳида эътибор бериш устувор мавқе тутиши шарт.

Ўқитувчининг ифодали ўқиши бадний асарнинг таҳлили билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу ерда мантикий урғуларга катта эътибор берилади. Лозим бўлган ўринларда айрим ифодаларни, ибораларни, гапларни, ҳатто айрим абзацларни қайта ўқиш, ўқиш темпини атайлаб секинлаштириш ёки кучайтириш, товушни пасайтириш ёки кўтариш, айрим ҳолатларда эса пауза - тўхтамларга урғу бериш талаб этилади.

Методист олимлар ифодали ўқишнинг катта тарбиявий аҳамияти ҳақида кўплаб фикрларни билдиришади. Алишер Навоий ўз устозларининг ифодали ўқишлари «равон ўлсун савод» деган мақсадни ҳам кўзда тутганини таъкидлаган эди.

Албагта, ифодали ўқишнинг биринчи, энг асосий талаба нутк техникасини эгаллаш билан боғлиқ. Бу сўзни тўғри ўқиш ва уқиш, уни тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ. Сўзнинг тўғри ўқилиши ва талаффуз қилиниши билан бирга овознинг кучи, унинг баландлиги, дағал ёки майинлиги, товушнинг ўзгарувчанлик имкониятлари ҳам катта роль ўйнайди.

Адабиёт дарсларидаги ифодали ўқиш ўқувчиларнинг она тили дарслари жараёнида эгаллаб бораётган кўникма ва малакалари билан боғлиқ бўлади. Айни пайтда адабиёт дарсларида бадий матн билан боғлиқ ҳолда эгаллаб борилаётган ифодали ўқишга оид кўникма ва малакаларнинг такомилли фақат она тилига эмас, балки бошқа фанларга дахлдор бўлган матнларнинг ўқилиши ва тушунилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Айрим ҳолларда ифодали ўқиш жараёнида табиийликдан чекиниш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Бунга ҳеч қачон йўл қўймаслик керак. Бадий асар ҳар доим табиий оҳанг билан ўқилиши шарт. Бу эса муайян талабларни олдинга қўяди. Буларнинг энг асосийлари сифатида эса қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- матн мазмуни билан жиддий танишиш;
- ундаги асосий ва иккинчи даражали ҳолатларни аниқлаш;
- матнни муайян мантикий қисмларга бўлиш;
- ҳар бир гапдаги мантикий урғу тушиши лозим бўлган сўз ва ибораларни аниқлаб олиш;
- гапдаги сўз ва иборалар орасида қўйилиши лозим бўлган паузалар миқдори ва давомийлигини муайянлаштириш;
- ўқиш темпини белгилаш;
- матнга мос бўлган ўқиш оҳангини ажратиш;
- Матнларни мумкин бўлган даражада ёд олиш.

Баъзи ҳолатларда, хусусан драматик асарларни, айрим лирик ҳамда эпик асарлардаги қаҳрамонлар диалогларини ўқишда эса ҳар бир қаҳрамонга хос бўлган нутк оҳанглариини белгилаш зарурати ҳам пайдо бўлади.

Демак, бадий асарни ифодали ўқишга тайёрланиш жараёнида бадий асарни таҳлил қилишга, уни лингвистик жиҳатдан изоҳлаш ва шарҳлашга ҳам дастлабки тамал тошлари қўйилади. Хусусан, сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларига эътиборни тортиш, зарур ҳолларда эса уларга алоҳида урғу бериш ифодали ўқишнинг катта имкониятларидан биридир.

Мақоллар ва уларни ифодали ўқиш хусусиятлари

Мақолларнинг ёш авлодни ғоявий, маънавий-маърифий, бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашдаги ўрни ва ахамияти жуда катта. Зеро, фольклор инсоният маънавиятининг буюк оламидир. Шунга кўра, ҳам уларни ифодали ўқиш, шу тарзда уларнинг асосий мазмун ва моҳиятини ўқувчилар онгига синдириш учун ҳаракат қилиш жоиз.

Мақолларнинг айрим намуналари қадимги ёзма ёдгорликларда, жумладан, Ўрхун-Энасой битигтошларида мужассамлашган. Айрим ёзма бадиий асарлар, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қуталғу билиги», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-хакойик», Атоий, Саккокий, Лутфийларнинг газаллари, Навоийнинг улкан меросида ҳам халқ мақолларининг гўзал намуналари сақланиб қолган.

Маҳмуд Қошғарий эса XI асрда халқ оғзида анча фаол қўлланадиган мақолларнинг бир қисмини сақлаб қолган. Улар адибнинг «Девону лугот ит-турк» асари орқали бизгача етиб келган.

Мақоллардаги маънолар жуда ихчам, лўнда ва таъсирчан тарзда ифодаланган. Уларнинг яхши ва ёмон ўқиш намуналарини ўқитувчининг ўзи кўрсатиб бериши керак. Масалан:

Киши бўлган кишининг киши билан иши бор.

Киши бўлмаган кишининг киши билан нима иши бор.

Бу ерда ҳар қандай ҳақиқий инсон ким бўлишидан қатъий назар, бошқа кишиларнинг ҳолига бефарқ қарамаслиги керак. зеро, ҳақиқий инсонийликни эгалламаган кишигина бошқаларнинг дардига, ташвишига лоқайд бўлиши мумкин деган ҳукм мужассамлашган. Сўз урғусининг ўз ўрнида бўлиши мақол мазмунининг ярқ этиб кўринишига олиб келиши, аксинча, унинг нотўғри қўлланиши мақол мазмунини ёритишга халақит беришини шу мисол ёрдамида кўрсатиш ўринли бўлади.

Арғамчига қил – қувват.

Бу мақол ҳамжиҳатлик, кўнгилдошларнинг бир-бирига меҳри, мухаббатини улуғлаш учун айтилган. Агар иккинчи сўзга алоҳида урғу бериб, мақол таркибидаги барча сўзлар бир хил темпода ўқилса, унда “қил” феъл маъносига эга бўлиб қолади. Ваҳоланки, гап арғамчини арғамчи қилган ҳар битта қил (ёлнинг бир толаси) устида бормокда.

Кампирнинг дарди – гўзада деган мақолдаги охириги сўзнинг асл маъносини нотўғри тушуниш натижасида шу шаклга келиб

колганини мутахассисларимиз ўз пайтида кўрсатиб ўтишган эди. Маълум бўлишича, мақолдаги охириги сўз *ғўза* эмас, балки *ғоза* экан. Ғоза – аёллар юзига сурадиган қизиллик, уна-эликнинг қадимги номидир.

Қадимги туркий тилда, эски ўзбек тилида араб ҳарфлари билан *كور* тарзида ёзиладиган сўз бор. У “кур” тарзида ҳам. “кўр” тарзида ҳам ўқилиши мумкин. Агар Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асарида келтирилган бир мақолни шу тарзда ўқисак, маъно гамомилла бошқача бўлиб қолади. Ўзгича беринг:

	<i>ўқилиши</i>	<i>маъноси</i>
ноғўғри	<i>Ким кўр бўлса, қуваз бўлур</i>	<i>Кимки кўр бўлса, ўша одам мағрур бўлади.</i>
тўғри	<i>Ким кур бўлса, қуваз бўлур</i>	<i>Ким довжурак бўлса, ўша одам мағрур бўлади</i>

Табиийки, мақол кейинги ҳолдагина ўзининг асл маъносини кўрсатиб турибди.

Насрий асарларни ўқиш хусусиятлари

Насрий асарларни ифодали ўқиш инсоннинг табиий нуқига яқинлиги нуқтаи назаридан муҳимдир. Шунга қарамай, насрий асарларда ҳам ёзувчининг бадиий-эстетик мақсадлари билан изоҳланадиган ўзига хосликлар вихоятда кўп. Таълим жараёнида ифодали ўқишга жалб этиш учун насрий асарларнинг ранг-баранг намуналаридан фойдаланилиш ўринли бўлади.

Насрий асарларда ҳар бир гап тегишли вазифани адо этади. Ҳатто айтилмаган гапларга берилган урғулар ҳам тасодифий бўлмайди. Айрим мисолларга мурожаат қилайлик:

“Саодат ая бомдод намозини ўқиб, жойнамоз пойида узок ўтириб қолди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан инсоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган қизи Кумрига ачиниш, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижо қилди”.

(“Қорақўз Мажнун”, Саид Аҳмад).

Акмал кўнғирок тугмасини босиши билан ичкаридан овоз эшитилди:

–Ана, Акмалхон келдилар!

“Келинойим”, деб ўйлади у янгасининг овозидан таниб.

Янгаси негадир унинг номига “хон” кўшиб гапирарди.

Акмал янғасининг келганидан кувонди. Ҳар сафар уни кўрса онасини кўргандек бўлади.

(“Янға”. Ўткир Ҳошимов)

Ҳар икки кўчирма ҳам ҳикоялардан олинган. Аниқроғи ҳикоялар мана шу кўчирмалар билан бошланган. Бу бежиз эмас. Адиблар дастлабки гаплар биланок ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Ўқувчида нега? нима учун? деган саволнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Демак, ўқувчи асар қаҳрамонининг нима учун шу вазиятда қолганини билгиси, унинг бундан кейинги ҳаракатлари, ўй-орзулари билан қизикиши таъминланади.

Насрий асарларни ўқишда ҳам, дастлаб асарнинг умумий руҳи, услубий ўзига хосликлари эътиборга олинishi керак.

Хайриддин Султоновнинг «Ё. Жамшид!» ҳикояси турли-туман ҳис-ҳаяжон, ранг-баранг инсоний кечинмалар, инсон руҳиятидаги тебранишларнинг турфа тасвирларига бойлиги билан ажралиб туради. Биз ҳикояни ўқишда айрим ҳолатларга эътибор беришни тавсия қиламиз. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Ҳикоя матн

*Матн остидаги
маъно ва талаб
этилаган
оҳанг*

Биринчи бўлиб Исломбой келди. У чироғи чарақлаб турган ойнибанд, сирқор айвонда уст-бошидаги қорни қоқши баҳонасида тўхтаб, ўртадаги уйга деразадан разм солди: онаси еншит печка олдига тахмонга тикилиб ўтирибди. Ўринбой устарада ялтиратиб қирқган бошини сийтаганча ёнбоқслаб ётибди. Бурчакдаги қаторасига солинган ўринда тўрт боланинг боши кўринади.

**Ооддийгина
хабар.
Воқеаларнинг
илк
бошланмаси.**

«Хайрият!»

*Хотиржамлик
ҳолатига
шиора.
Безовталикка
ўрин йўқ.*

Исломбой неғадир еншил тортди.

— Вой-бўй, ёмон исиб кетибди-ку. — деди у ичкари кирган заҳоти.

Ўринбой илошиб ўриндан турди. ўнг қўлини кўришишига узатаркан, чап қўли билан хонтахта устидаги дўнчисини олиб бошига кўндирди.

— Йўғ-э, уй совуқ-ку.

*Ўқувчини
вазият ва
қаҳрамонлар
билан илк
таништириши
ҳолати*

Шилтиқ кўзлари олазарак жавдираган камтир пойгакка тиз чўкиб, пичирлаб фотиҳа ўқиган бўлди.

— Ҳуи кепсан, — деди Ўринбой.

У Исломбойдан беш ёш кичик, аммо акасини ёшлиқдан сенсираб чаққар эди.

— Қалай, тинчмисан? — деб қўйди Исломбой ҳам мўлозамат тақозасига кўра.

— Шукр.

— Эсон-омонмисан? — деб сўради кампир.— Ҳаттоки ҳам ёрилиб кетгандир, бемаҳалда..

— Тинчликми? Энди ётувдим, Самар бориб қолди.

Онаси бурнишқ бармоқлари билан жижарранг кўйлагининг этакини текислаб ўтираркан, индамади. Дафъатан оғир жимлик чўкди. Гийит печка устидаги кўк чойгум аста ишиллаб бошлади. Дам ўтмай бу ҳасратли хотини Исломбойнинг гапига теги.

Ошик очилиб, бошини янги аралаш иолрўмои билан тангисан Анзираат — Ўринбойнинг хотини кўрди.

— Келинг, ака, — деди Анзираат Исломбойга қараб, бўёиқ товучи билан.

Исломбой жойидан хиёл кўзгалди.

— Э, келин, тинч-омонмисан?

Келини сезилар-сезилмас бош иргади. Исломбой унинг салки қовоқлари ишииб, кўзлари қизарганини пайқади.

«Э, баттол! Хотини билан яна ит-мушук бўпти шекилли! Бу оғирроқ нарса бўлса.. ҳаҳ, шак!»

— Қалай, яхши ўтирибсанми? Бола-чақа? — деди у келинидан ҳол сўраб.

Анзираат жавоб қилмай, қора баҳмал нимчасининг барини торта-торта қайнонасининг ёнига чўкди, бурнини тортиб ерга тикилди ва уввос солиб ишглаб юборди.

Исломбой ишоиб қолди.

— Ия, ҳай?

Келинидан жавоб бўлмагач, аввал ринг-қути ўчиб, кўзида ёш илтиллаган онасига, кейин эса пенсионаси тириша бошлаган укасига қаради:

— Ҳи?

Энди кампир ҳам ниқ-ниқ ишлагани тушиди. Исломбой чидасмай бақириб берди:

— Э, тилдан қолдингларми нима баҳо?!

Ўринбой ишга тикилиб галати илжайди, бурнининг учини қайта-қайта чимдиб, йўталга ҳам, кулгига ҳам ўхшамасган бир овоз чиқарди, йиғи босилавермагач, чақчайиб ўшиқорди:

— Ҳовлиқма, ҳовлиқма, менга аза очиниға ҳовлиқмаларинг ҳали!

Қайнона-келин бу гапдан кейин баттар ўкраб юборди.

— Нима бўлди, ахир?!

Анзираат кўнчиган юзларини кифтининг орқаси билан артди, йиғи аралаш ниқиллаб:

— Укангиз... укангиз... — деди-да, яна бошини буркаб ишлаганига тушиди.

— Астазфирулло! Мени шу ишхонликка чақирдингларми, ойи?

Кампир дарҳол обидийдани бас қилди, ўзига ваҳима билан тикилиб, ҳудди шундай ваҳима билан ишвиради:

Нима сабадан шу вазият юзага келди? Бунинг боиси нимада? Демак, хотир-жамлик эмас экан-да?

Нима бўлган ўзи? Вазиятнинг таранглигига ишора. Таажжуб, ҳайрат, мавҳумлик.

Наҳотки?! Оиланинг бошига янги ташвиш тушиган. Бу фожиянинг кўлами даҳшатли. Оҳингди қўрқув, ваҳима ва даҳшат ҳиссиёти.

— Уйимиз кўйди, болам! Ўринбойнинг ютқазиб қўйибди!

Исломбой бу гандан ҳам кўра онасининг ваҳимали товушидан қўрқиб кетди, анча вақт миясига жўяли бир фикр келмай, чойсўмининг ишилланишига қулоқ солиб ўтирди, ниҳоят, укасига қарамай:

— Қанча? — деб сўради.

Ўринбой хонтахта устидаги нон ушоқларини жимжитилган билан нари-бери сураркан, бейхуш кўлимсирашига уриниб:

— Кўп, — деди.

Исломбой етмиш икки томири бўйлаб миясига югурган бор газаб, бор нафрати тилига келиб тўпланганини сизди, ўзини қандоқ босиб турганига ўзи ҳам ҳайрон қолиб, овози деярли ўзгармай сўради:

— «Кўп»ниям бир сон-синоги бордир, ахир?

Ўринбой индамади.

Исломбой беш дақиқадан сўнг тоқати тоқ бўлиб:

— Гапир, итвачча! — деди.

Укаси илқис бошини кўтарди, манглайидаги чизиқлар чуқур тортиб, хўмрайди. Анчадан кейин ўзига-ўзи гапиргандек деди:

— Кофир бўлма, онанг олдинда ўтирибди, итга рўпара қилгани уял.

Кампир бир оқариб, бир қизарди, елкалари куншиди.

Исломбойнинг жағи қалтиради.

— Кофир бўлмасам, баттар бўлмайманми, сенга нима, даюс! Сенинг бу қилмишларингга одам кофир тугул, чулчут бўлиб кетар!

Унинг дағдағасига бурчакда ётган болалардан бири сачраб уйғонди, уйқули кўзларини ичириб очганча анқайиб қолди.

— Тўнғизнинг териси нимаю сен аблаҳнинг бетинг нима?! Ёзда «Бў б...ни иккинчи оғзимга олсам, ийигит ўлай», деб тавба-тазарру қилганларинг эсиндан чиқдимми, қасамхўр! — Исломбой жони жаҳони ўртаб бақираркан, икки чаккасига буров солингандек, бошида озриқ кўзгалганини сизди. — Бу кунингдан қасам уриб ўлганинг яхши эмасми, хунаса!

Анзираб қайнағасининг вазоҳатини кўриб йигидан тўхтади, олазарак кўзлари билан гоҳ эрига, гоҳ қайнонасига қарар ва бетўхтов бурнини тортар эди.

Ўринбой бошини солиштириб ўтирган кўйи вазиятини ўзгартирмай, секин дўнғиллади:

— Кўп ҳам ишима, ўлигимни кўришига жуда орзуманд бўлсанг, эрталаб ниятингга етасан!

Исломбой бу гапнинг маъносини ўйлаб ўтирмай, баттар шовқин солди:

— Э, дард-э! Ўламан, деб қўрқитмоқчилмасан мени? Ўлмасанг ўмбалоқ ош-а! Э, ўлсанг ҳам куйсам шунчалик кужман-да, жопимга ўт қўйвординг-ку!

Моҳиятини
билишига
уриниши,
укадиги
масъулиятсизли
к. юзсизликнинг
ифодаланиши

Вазият қалтис.
Оила учун
кутилмаган
фожиа, даҳшат
юз берган.
Фожиа
сабабкори
бепарво

Камтир қўрққанидан ўрнидан туриб кетди, рўмоли елкасига сирғалиб тушганини ҳам пайқамай, бошини сарак-сарак қилиб титраб-қақшаб ялинди.

— Хай, ўзингни бос! Жон болам, ўзингни бос! Кўни-кўшини нишатида-я! Бемаҳалда, Исломбой онасини газабга олди.

— Э, бутун юрту олам эшитсин-а! Билсин, бу касофатингизни! «Биров билмасин, биров билмасин», деб, «Ўринбойжон-Ўринбойжон» қилиб, мана, оқибати, ҳаммамизни кафангадо қилиб ўтирибди!

— Қандоқ қилай... — дея камтир йиғламсиради. — Қандоқ қилай, болам? Кўзимнинг оқу қораси Ўринбой оғамнинг ўрнинибосар, деб Ўринбой от қўювдим. Бева бошим билан эмай едирдим, киймай кийдирдим, шу иккита норастамни боши элимасин, деб ит кўрмасан кунларни кўрдим. Майли, мени ҳар қанча уриб-сўксанг розиман, лекин шу қоқвошини қаргама. Оғамнинг арвоҳи чирқирайди-я! Гирмоннинг ўқига учганми, тирикми, худо билади. «Ўринбойнинг ўлсин», дейсан, мен булга қандоқ чидай? Худо ўзи инсоф бермаса, мен қандоқ қилай? Исломбой беи дақиқадан сўн: тоқати тоқ бўлиб:

— Гапир, итвачча! — деди.

Укаси илкис бошини кўтарди, манглайдаги чизиқлар чуқур тортиб, хўмрайди. Анчадан кейин ўзига-ўзи саниргандек деди:

— Кофир бўлма, онанг олдингда ўтирибди, итса рўнара қилгани уял.

Камтир бир оқариб, бир қизарди, елкалари қушиди.

Исломбойнинг жағи қалтиради.

— Кофир бўлмасам, баттар бўлмайманми, сенга нима, даюс! Сенинг бу қилмишларингга одам кофир тугул, чулчут бўлиб кетар!

Унинг дағдағасига бурчакда ётган болалардан бири сачраб уйғонди, уйқули кўзларини йириб очганча анқайиб қолди.

— Тўнғизнинг териси нимаю сен аблахнинг бетинг нима?! Ёзда «Бу б...ни иккинчи оғзимга олсам, илгит ўлай», деб тавба-тазарру қилганларинг эсингдан чиқдим, қасамхўр! — Исломбой жони жаҳони ўртаб бақираркан, икки чаккасига буров солингандек, бошида оғриқ кўзгалганини сизди. — Бу кунингдан қасам уриб ўлганинг яхши эмасми, хуниса!

Анзираат қайнағисининг вазоҳатини кўриб йиғидан тўхтади, олзатарак кўзлари билан соҳ эрига, соҳ қайнонасига қарар ва бетўхтов бўрнини тортар эди.

Ўринбой бошини солинтириб ўтирган қўни вазиятини ўзгартирмай, секин дўнғиллади:

— Кўп ҳам шошма, ўлигимни кўришга жуда орзуманд бўлсанг, эрталаб ништингга етасан!

Исломбой бу гапнинг маъносини ўйлаб ўтирмай, баттар шовқин солди:

— Э, дард-э! Уламан, деб қўрқитмоқчи экан мени?

Ўлмасанг ўмбалоқ ош-а! Э, ўлсанг ҳам кўйсам шунчалик қўлман-да, жонимга ўт кўйвординг-ку!

Кампир қўрққанидан ўриндан туриб кетди. рўмоли елкасига сирғалиб тунганини ҳам пайқамай, бошини сарак-сарак қилиб титраб-қақнаб ялинди:

— Ҳай, ўзингни бос! Жон болам, ўзингни бос! Қўни-қўшини эшитади-я! Бемаҳалда...

Исломбой онасини газабга олди:

— Э, бутуня юрту олам шитсин-а! Билсин, бу касофатингизни! «Биров билмасин, биров билмасин», деб, «Ўринбойжон-Ўринбойжон» қилиб, мака, оқибати, ҳамнимизни кафангадо қилиб ўтирибди!

— Қандоқ қилай... — дея кампир йиғламсиради. — Қандоқ қилай, болам? Кўзимнинг оқу қораси Ўринбой оғамнинг ўрнинибосар, деб Ўринбой от кўювдим. Бева бошим билан емай ебирдим, киймай кийдирдим, шу иккита порастамни боши эълмасин, деб ит қўрмаган кунларни кўрдим. Майли, мени ҳар қанча уриб-сўксанг розиман, лекин шу қоқвошини қарғам. Оғамнинг арвоҳи чирқирйиди-я! Гирмоннинг ўкига учганми, тирикми, худо билади, «Ўринбойинг ўлсин», дейсан, мен бунга қандоқ чидай? Худо ўзи инсоф бермаса, мен қандоқ қилай?

Кампир зор-зор йиғлади. Исломбойнинг ўпкаси тўлди, пешанасини қашинган бўлиб, кўзёилларини артди.

Чойгум ҳамон чўзиб ҳуштак чалар эди.

Ўринбой бирдан дарғалаб кўзларини акасига қадади:

— Нега менга ҳоқимлик қиласан? Ҳўнаган — мен, ютқазган — мен, тўлайдиган — мен, сенга шима кетикўйдиллик?! Ака бўлсанг, акалигингда тур! Менга агар сарик чақанг ўтган бўлса, ҳаммаси ҳисобли, ҳа!

— Ҳой, ҳой, қақшама,ур, акага шўнақа дейдимми?

— Кўйинг... — деб пичирлади Анзират кўзларини катта очиб.

— Майли, гапириб олсин. — Исломбой бор кучини тўглаб, базўр жилмайди. — Ичидаги фисқи фасодни тўксин-чи, қани! Майли, биз энди кетикўйди бўлиб қолган бўлсак, сариқ чақа бўлиб қолган бўлсак... майли, худо бордир, кўриб тургандир, ахир. Эшигимга неча марталаб кўзининг сийдизини оқизиб борганини ўзи билмаса, худо билар, худого солдим! «Тўйдирганинг бўзига...» деб шуки айтади-да!

Худонинг нолми ўртага суқунат солди. Чойгум биқирлаб қайнай бошлади.

— Бунақа таъна-маломатни кўйларинг, — деди кампир анчадан кейин. — Гипти кавласа, гап чиқади. Қозилашган қариндош бўлмас. Айлантириб келганда иккитасан, бир-бирингдан тонолмайсан, бирингни тепкингни биринг кўтарасан-да, қандоқ қиласан?

Анзират ўриндан туриб, қайнаб-тошайтган чойгумни четга суриб кўйди.

Наҳотки?!

Онанинг таваллоси.

аканинг изтироблари,

уканинг тийиқсизлиги туфайли бутун оиланинг молиявий

ҳолати аянчли, шу туфайли ечим ҳам муаммоли.

Овозда меҳр ва қазрнинг аралаш келиши сезилади.

— Сен каттасан, шу укандга ота ўринга отасан, — дея камтир Исломбойга ялинчоқ оҳангда қаради. — Бунинг паст-баланд гапларига хафа бўлма. Сендан бошқа кими бор, ахир? Нима қиламиз энди, бир йўл-йўриқ бер. Эрталабга обормаса бўлмас экан.

Исломбой сийрак, қизгин мўйловининг учини қимтиб, ўйга чўлди: «Қошки яхшиликни билса бу аблаҳ!».

— Ойи, жуда қизиқ гапирасиз-да, — деди у норози чимирсиб. — Ахир, кўриб турибсиз-ку, бунингиз ниста пучоқча кўрмайтибди-ку ака жониворни! Бир оғиз гапирсангиз осмонга ситчийди! Кўпакка ўхшаб одамнинг бетидан олади! Бундоқ ётми билан арзи ҳол қилса, маслаҳат сўраса эканки, бир йўл-йўриқ айтсангиз. «Қанча?» — деб сўрасам, менга қараб тишаяди.

Камтир Ўринбойнинг ҳурғайиб олганини кўриб, муқаррар даҳшатки жангнинг олдини олишга ишонилди:

— Майли, болам, сен оғир бул жаҳл келганда ақл кетар...

— Хўй, менга қара, қанча ахир?! — деди Исломбой бўғилди.

Ўринбой акасининг гавдасига синчиклаб разм солди, талоқ кирди ва икки бармогини курсатди.

— Қанча бунинг?

— Йилirma мише.

Исломбойнинг қўлоти шангиллаб кетди:

— Эски пулғами?

Укаси қўлчасини яширишга уриниб илжайди:

— Эски пул қолганми шу замонда? Исломбой Ўринбойдан кўз узолмай қолди. Укасининг нақадар даҳшатли аҳволга тушганини бирдан яққол англади ва унинг ночор, асабий қўлчасини кўриб, юрагиди шафқат уйғонди, лекин зум ўтмай вужуога қаҳр-газаб ётирилди: «Баттар бўлсин!»

Тўрт жуфт кўз Исломбойга қаюлган эди. У укасининг қўлоқчаккасига қўлоқкашлаб тортиб юбориш истасида ўртанарди, лекин, негидир, тўсатдан эзилиб шивирлади:

— Шўнчалик ҳам бўладики, ука!

Жимлик чўқди. Печкада нимадир чирс эди.

— Амакиларинг билан аммангни айтиб келсинми? — деди камтир Исломбойга.

— Нима каромат қилиб берарди ўшаларингиз? — деди Ўринбой хўмрайиб. Аммо онаси унга зътибор бермади.

— Қандам, бемаҳалда... — деди Исломбой чайналиб, мойил бир оҳангда.

— Тур, Самар, гизиллаб Саломат амманг билан Ориф амакингни чақириб кел. — Камтир печкага сўяниб ўтирган найнов неварасига қариб, кескин оҳангда буюрди. — Пулдан Зариф бувагни ҳам айт. «Тез бораркансиз», де. Кўрқмайсанми?

Самар, қор уриб турган зим-зиё кўчада ёлғиз юришдан кўрқса ҳамки, уйдаси мотамсаро аҳволдан кўра ташқарини афзал билиб, индамай чиқиб кетди.

Ечим учун йўл излаш. Оҳангда ишончсизлик, иккиланни, изтироб, даъват

Ҳамма ўй суриб қолди.

Исломбой укасининг қандай қилиб бу бебоғи йўлга кириб кетгани ҳақида бош қотирарди. Лекин ҳаёли беихтиёр укасининг бошига тушган бу улкан фалокат, бу улкан фалокатнинг даҳшатли оқибати ва ундан ўзига етадиган зарар-заҳмат тўғрисидаги фикрлардан нари кетмасди.

Уринбой хануз ҳайрон эди: аввалига устма-уст кўли келиб турган эди, ошдан олдин ҳам дов урди, кейин нима касофат бўлди-ю... Умида бундай катта ўйинни кўрмаган эди...

Капирнинг муштовдай юзи яна ҳам кичрайиб кетган, чакагини ушлаб мум тишлагандек ўтирар, афт-ангоридан нимани ўйлаётганини билиб бўлмас эди.

Анзиратнинг юрагини тагин ваҳима чангаллади. Қаердадир қулоғига чалинган гаплар эсига тушиди: агар ютқазган одам нулли тўлаёلمаса, ҳотинини олиб бориб бераккан. Унинг ич-ичидан титроқ йиғи хуруж қилиб кела бошлади: «Шўрим кўриб...»

Исломбой калласидан ноҳуш ўйларни сидириб ташламоқчидек, жаҳл билан пешанасини сийталади.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Энди... Ким билдан дейсан... ҳовлини сотсаммикан, деб турибман.

— Нима-а?!

— Ҳа? Бошқа иложи йўқ. Эрталаб ҳовлига савоо кириди. Соат ўнга обормасам, мени ўлди деяверларинг.

Келин қайнонага, қайнона келинга ялт этиб қаради ва бир-бирининг кўзидаги кўрқувни кўриб, ҳар иккиси Исломбойга нажот билан мўлтираб, ишига ҳозирланди. Исломбой кафтларини муштлаганча қизил якандозга таяниб:

— Ҳўш? — дея укасини таъқибга олди.

— Нима «ҳўш»? — Уринбойга бу савол ниҳоятда малол келди.

* — Кейин-чи?

— Нима «кейин»?

— Э, бунча талмовсирайсан?! Ё биратўла эс-хушингдан ҳам айрилганмисан? Хўп, уйинг сотарсан, кейин нима қиласан, деятман? Қили чилгада бир этак чурвақанг билан қаерга сизгасан?

Уринбой укасининг жаҳлдан қолшимайдиган бир газаб билан жавоб қилди:

— Юрагинг чиқмасин, ҳалиям сеникига бормаيمان, кўрқма.

— Мана шу-да! — Исломбой қарсизлашиб хонтахтага урди. — ҳам зарлик, ҳам пенгирлик, дегани шу-да! Қилар ишини қилиб кўйиб, нега яна ўрқачлайсан, муттаҳам!

— Муттаҳамлик қилиб бировнинг хотинини кўйинига кирганим йўқ, билдингми!

Исломбой сезилар-сезилмас қизарди. Бу — унинг фақат

Энди нима бўлади?

Ким нима қилиши керак?

укасиенна биландиган ёнлик гуноҳига заҳаролуд шаъма эди.

Ўзини ўнглаб бирор нима дегунча бўлмай, айвонда одам шартаси кўринди, зум ўтмай, эллик беш-олтмиши ёнлардаги семиз аёл эшикдан ҳарсиллаб-сурсиллаб кириб келди. Исломбойнинг сўзи буёзида қолди.

Воқеа тафсилоти қандай бўлган эди? Энди нима бўлади?

— Уҳ, ўлдим! Намунча жаҳаннам уиларинг! — деб аёл бошидаги тивит рўмолини ечди.

— Келин, амма, — деди Анзират шоша-пиша ўрнидан тураркан.

Салом-алиқдан сўнг Саломат хонтахта устидаги чойнакни олиб жўмрагидан симириди.

— Халқумим қоқ бўлиб кетди-я! — деди сочини тузатиб. — Шу буғун Даламаҳаллага икки марта бориб келибман-а! Анув қоранг ўчгур Тожи гўмбазда озгина духобам бор эди, қора терга тушиб борсам, «қуда чақирқ»қа кетиб қолибди, нес!

— Ётувдингизми, амма? Безовта бўлиб... — деди Исломбой.

— Худо урди-кетди, намозиомдан ётаманми? Эртага бозор-ку, олиб чиқадиган ул-булларимни кўриб ўтирувдим. Самар бориб қолди. Ҳа, тинчликми, шикъелиб? ҳой. Анзират, қатигинг бўлса, ярим пиёла олиб кел, кўнглим гўмуриб ўлаётибди.

Айвонда «қув-қув» йўтал товуни эшитилди. Соқол-мўйлови текис қузалан, бир-бирига ниҳоятда ўхшасан иккита чол эшикдан бошланиб кирди:

— Ассатому алайкум.

Юзлари қизариб кетган Самар анчадан кейин кириб, эшикни ёпди.

Бир пиёла чой ичилгач, қаятир ингламсираб воқеани баён қилди. Чоллар индамай тинглашаркан, қовоқлари ўпилиб борарди. Саломатнинг сурма тортилган кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Вой, яшишамагур! — деди сонига шипатилаб. — Бир қоп тул-а, уводи тутмайдим, жувонмарх?!!

Амакиларнинг кичиги — Зариф найза чўнтагидан носқовоғини олиб нос отди-да, узоқ сукутга чўмди. Тўтибурун Ориф бақироқ эса салмоқлаб сўз бошлади:

— Жўн, мендан хоҳ хафа бўл, хоҳ хафа бўлма, лекин, мана, ҳаммагнинг олдинда айтаман, бу ишинг қип-қизил аҳмоқлик! Шу ланъатини ўйнамасанг, хотининг талоқ тушадимми, а?

Анзират тоқчадан коса олиб, ташқарига чиқди.

— Шунисига кўйиб кетаман-да, амаки! — деди Исломбой уҳ тортиб. — Нимасига ўйнайди бу бадбахт! Нима барака топасан шунга ўйнаб, оенг!

— Ўзинг ўйнамаганингдан кейин қаяқдан биласан, — деди Ўришбой секин.

— Фалокатинг ўзингдан бери келмасин-э, нега ўйнар

эканман! — деб гувранди Исломбой.

Зариф найза наमतнинг четини қайириб, оғзидаги носни туфлади.

— Энди нима қилмоқчисан?

Кампир рўмолининг учи билан кўзини артиб:

— Уйни сотар элми, — деди-да, хўнграб ишлаб юборди.

Саломат бир саз бўйи иргиб тушди:

— Сотиб бўпти! Сотиб бўпти! Бекоргиналарни айтибсан! Ота-бувамиздан қолган бу ҳовли! Сенга қиморга бой берсин, деб бериб қўйганимиз йўқ муни! Қаердан топиб тўласан? тўлайвер, қани, ҳовлига текканингни кўрай-чи! Бир тийинлик ҳаққинг йўқ, ҳовли онангинг маҳрига тушган!

— Ўлигим шу ҳовлидан чиқса, дедим, — деди кампир тишллаб, — қандоқ қилай...

— Э, ақиллаверди-да, кеннойи! — деди Саломат бобиллаб, — ҳовлига сиз хўжайини. Сизга ҳеч ким хўжайини эмас!

— Бунча пулни қаердан олади?..

— Ютқазганини билган эрраим тўлашаниям уйласин, сизга нима! Э, садқан кўзёшингиз-а.

Ўринбой Саломатга еб қуй-ҳудек ўқрайди:

— Амма...

— Нима «амма»? Нима «амма»?! Ҳў, амманг ўлиб, аммасиз қол!

Ўринбойнинг дами ичига тушиб кетди.

— Ростдан ҳам, ҳовли — онангинг маҳри, — деди Ориф бақироқ. — Отанг раҳматлининг васияти шундоқ бўлган эди. Энди, тагин билмадим...

— Вой, нега билмайсиз? — деди Саломат акасини задаллаб. — Нега билмайсиз? Ота рози — олло розими, ахир?

— Бунақа бекорчи гапдан фойда йўқ, — деди Зариф найза. — ҳар бало бўлгандаям, шу ёмон жияи - жигаримиз. Ҳўкнзинг, шоҳига урсанг, тўғи зирқирайди. ҳозир буни ҳар қанча сўкиб-сўзлагандан тариқча наф йўқ. Қани, нима қиламиз, шундан гапиринлар. Тугрими, кеннойи?

Тағвиши ва гам-қошидан эсини йўқотаётган кампир:

— Қандоқ қилай, шу кўрликлар ҳам бор экан, — деди.

Чурқ эммай ўтирган Анзират бирдан тилга кирди:

— Худо хайринларни берсин... Сизлардан бошқа кимимиз бор? Кафангадо бўлиб кўчада қолмайлик, бир нарса қилинлар...

— Қирққа кирдинг, ука, қирққа! — деди Ориф бақироқ увишиб қолган оёгини уқалаб. — Ердан қор кетгандан қор тушгунча тунроқ тирнаб оунё орттирсанг-у, наҳот, обориб дарёга оқизсанг!

— Э, ака, — деди Зариф найза, — бу гаплардан фойда йўқ дедим-ку. Бўладиган ишни айтинлар. Бу шўрликнинг ҳозир минг жойига пичоқ урсангиз, бир томчи қон чиқмайди-ю, нима қиламиз ҳадеб эгиллавериб? Нима дейсан, Исломбой?

Қутўлар
зиддияти.
Кёскинликнинг
авжи. Оҳанлар
ранг-
баранглиги.

Исломбой печкага қараб, томоқ қирди.

— Нима дердим... Менга қолса, ҳовлини сотишига қаришман.

— Вой, ҳовлини оғзингга олмаларинг, дедим-ку! — деб бақирди Саломат. — Ота-буваларимнинг арвоҳи... ҳовлидан умидларингни узларинг, дедим-ку!

— Ҳа, ҳўп, ана ҳовлига савдо кироям, дейлик, — деди Зариф найза. — Ҳўш, чамангда қанчага олаши?

Саломат акасига олайиб қараган эди, Зариф найза:

— Жонинг чиқмай турсин, мисолга айтяпман, — деди. Исломбой ўйлаб-ўйлаб:

— Ўн бештага олар, — деди.

— Олмайдн ўн бештага! — Зариф найза оғир кўзгалиб кўйди. — Ўн иккитага олсам катта гап. Ўткан жума Тура чутирнинг ҳайҳотдек ҳовлиси ўн тўрттага савдо бўлди-ю!

Ориф бақироқ ҳам укасининг фикрини маъқулади. Амакиларининг бу борада омилкор, тўхта кишилар эканини билгани учун Исломбой индамай қолоди.

— Ҳўш, ҳовлинг ўн иккитага бурсин, — деди Зариф найза энди Ўринбойга қараб. — Қолганини нима қиласан? Ул-булинг борми?

Ўринбой, қилмишининг бутун даҳшатини энди тушунгандек, ранги қув ўчиб, амакисига бетлаб қараёлмади, не машаққат билан бош чайқади.

— Ҳа, унда... Сен нима дейсан, Саломат?

Саломат лабини бурди:

— Укам ошиқ отаётганда менга маслаҳат солган эмас! Ўзи тиширган ош, ўзи айланиб-ўргилиб ичаверсин!

— Ҳўп, Шошма, кўп қақшама. Эрта бир гап бўлиб қолса, ачинмайсанми?

— Қанақа гап? — дея Саломат сийрак киприкларини тиртиратди.

— Энди-да... шу тулни вақтида обормаса, жиянинг соғ қолмайди, шунн биласанми?

Саломат акасига қараб бақрайди.

— Ҳа? Нега кўзингни лўқ қиласан?

— Вой, худо асрасин, нега ачинмайман, жигарим...

— Ҳўш...

Исломбойнинг танглайигача музлаб кетди: «Йўғ-э, ўлмас... ўлдормас...»

Анзират хўнгилаб йицлаганча уйни бошига кўтарди, унга аввал кампир, кейин Саломат кўшилди, ҳамма Ўринбойни гўё охирги марта кўраётгандек, мунгайиб қараб қолоди.

Шу вақтгача атрофидагиларга ёвқараш қилиб ўтирган Ўринбой ўйининг мудҳиш қонуниятларини эслади шекилли, бирдан кўзига ёш олоди.

— Ҳўй, азани тўхтатинглар, — деди Зариф найза ҳамон хотиржам оҳангда. — Бемаҳалдаси йиғиям беҳосият бўлади. Ака, нима қилсак экан, ўзингиз бир нарса денг.

Ориф бақироқ кўк салласини орқага суриб:

— Энди... Ўринбой минг ёмон бўлгани билан ўртада акамининг арвоғи бор. — деди. — Эртамининдин, ахир борамиз акамининг олдида... Майли энди, ёрилган бош — ёрилган, қийин бўлса ҳам, оғирчиликнинг озроғини оламизда бўйнимизга, қолиб кетмас, ахир.

Уй жимжит бўлиб қолди,

— Одамлар савоб учун кўприк солади, етим боқади...

— Э, буни секинроқ айтасизми, ака. — дея унинг гапини маъқуллади Зариф найза. — Кеча намозда дамла айтди: умр бўйи боши саждага тегмаган бир инъит бор экан. Шу бир кун кўчадан ўтиб кетаётиб мундоқ ёнига қараса, бир деворнинг тешигидан ичкарида зино қилаётган эркак билан аёл кўришиб қолибди. Шартта қўлига битта кесак билан бир чангал лой олиб, тешикни суваб ташлабди. Шу инъит кейин ўлганда жаннатга бўлган экан, Сабабки, бировнинг айбини бекитган экан.

— Албатта, худойимнинг дарвоғи кенг.

— Лекин зино қилган, бировнинг ҳақини еган, қимор ўйнаган одам дўзахи бўлар экан, — деди Зариф найза тисанда билан. — Майли, мана, ахир, кўлашиб... Локин, мен битта гапни очиқ айтаман: Ўринбой шу қилганини ташлайдиган бўлса, майли, қўлдан келганча қарашиб юборармиз. Илло-била, йўқ, дейдиган бўлса...

— Ташлайди, ўзиям тавбасига таянгандир,

— Ўғил-қизи бўй етиб қолди, шуларнинг ташвишини қилсин...

Исломбойни қора ваҳм босди: «Мен нима дейман?»

— Нега индамайсан? — деди у Ўринбойга ўқрайиб.

Ўринбой мунтазир нигоҳларга дош беролмай, яна ерга қаради.

— Жон болам, қилмайман, де, ростини айт, — деб ялинди кампир. — Ташладим де.

— Майли, ташладим... — деди Ўринбой худди ёш боладек ба баттар хўрлиги келиб, боши ерга теккүдек эгинди.

Қариндошлар бир-бирларига маъноли қарқиб олди.

— Хўш, бўлмаса, лопиринг, ака, — деди Зариф найза.

Ориф бақироқ чакагини қашиб кўйди.

— Энди... Мен ҳали уйга бориб Акбар билан ҳам маслаҳат қилай-чи. Нима бор, нима йўқ, ўзим тузук ҳам билмайман.

— Майли, ахир, қурбингиз етганча-да, ака, ҳимматингиз.

— Хайрли ишга қанча ҳиммат қилсанг ҳам оз-ку, лекин... ҳай, майли, уёқ-буёқни қоқиштириб уч минг амаллаб берармиз.

Исломбой амакисига қараб анграйди.

— Хўш, ака, уч минг... Бу, ҳаммамизникиям қарз, Ўринбой шу филокатлардан эсон-омон қутулиб олса, еб кетмайди, албатта. Хўш, мен... Ёзда узумнинг пулидан бир ярим минг қолган эди, саксон килоча тоза майнзим бор, хўш, унинг

устидан ҳам битта-яримтадан икки минг кўтариб турсам бўлади. Жума вавақошам минг сўлим бор, бултур олган, эртаса сўраттираман. — Зариф найза ҳисоб-китобини яқунлаб, атрофга синовчан қараб қўйди. — Хуш-и... Саломат, сен шима дейсан?

Саломат этагидаги нон ушоқларини кафтига қоқиб олди.

— Жаҳлим чиқиб, шундоқ кофирлигим тутувди-ку... Бу шўртумшукнинг кўз ёшини кўриб, юрагим ўлгур тагин эзилиб кетди, ҳар бало бўлсаям, ҳовли сотилмасин. Бир этак бола-я!

— Ҳовлини кўявер, нақд гапни гапир.

— Нақд гап ҳам ўлган... Энди, очиги, йўқ эмас, худога шукр, уч-тўрт тангам бор. Насиба бола кўрса, бешиктўйи қиларман деб тугиб юрвдим. Қолгани ўлимлик булар, десам, бу яншинамасур кўёв Насибаниям йўлдан урибди, эр-хотин кунора келиб: «Мошина олиб берасиз», деб ҳақиллайди. Биттаю битта қиз, тишиб-тинчиб кетишини ўйлаб... Укамнинг бошига мундоқ иш тушиб турганда, мошинага бало борми! Охир-оқибати бари бир кўёв-да, кўёв — ёв, ўғил булармиди менга!

— Ҳа, яша! — Ориф бақироққа бу гап зоят хуш ёқди.

— Ҳа, жигар — жигар, ошгар — ошгар! Майли, беш минг сўм мени танимдан, азонда опкелиб бераман!

— Худо хайричилигини берсин, амма, имонбойи бўлинг, — деди Анзират ва яна йиги бошлади.

— Ҳўй, ҳўнгилламай тур! — деди Зариф найза уни жеркиб.

— Хуш, етти ярим мингга беш минг — ўн икки минг. Хўн! қани, Пеломбой?

Пеломбойнинг бадавонига титроқ кирди.

— Менга алоҳи бир нарсани ҳал қилиб беринлар, амаки, — деди у. — Қани, ака-укачилик шунақа буладими? Мен ака бўлиб буни на тергай олмасам, на насиҳат қилолмасам... Бир оғиз гапирсам, итдан баттар беҳўрмат қилиб ташласа... Мен тагин...

— Дийдиёнгни қўй, — деди Зариф найза. — Ака-ука кейин суртишиб кетаверсанлар. Алам устида ҳар бало бўлади, шунга тиртайиб ўтирибсанми? Қани, қанча беролсан, шундан гапир?

Пеломбой бор куч-қувватини тўнлаб:

— Мени тўрт тангасям бероладиган қўратим йўқ, — деди.

— Нима?

Саломат қўлини наҳса қилиб чиқчайди:

— Худо урди-кетди, уят-э! Шунчалик ўлар жойдамисан!

Кимсан уста Пеломбой, қадаминг пул-а!

Пеломбой аммасига қарамасдан мингиллади:

— Ҳамма сизга ўхшаб чайқовнинг ўрасими, амма!

— Вой, таъна қилманг, Пеломбойвачча! Ғирлик уят,

ўришлик уят, тирикчилик айб эмас!

— Ҳой, қақиллайверсанми ҳадеб! — дея можарони кесди

Зариф найза. — Хўш, Исломбой, ростдан ҳам қурбинг келмайдими? Йўқ, очигини айтавер, ахир, бировдан ўтганини биров қаёқдан билди!

— Қурбим етмайди, амаки, — деди Исломбой овози маъюсланиб. — Қурбим етса, паҳот, жигаримдан аясам? Хабарингиз бор, кичкина қизимни фотиҳа қилиб қўйганман. Қудам ҳеч ҳол-жонимга қўймаёттибди. «Кўклам чиқсин», десам ҳам кўймаёттибди. Қиз узатишининг ўзи бўлмаса...

— Хой, бетавфиқ, миёнгни еганмисан? Укагни сўйиб кетай деб турибди-ку, тўйингни сапирасан-а, тошмехр! — Саломат яна бобиллаб гапга аралашди. — Қизинг бирон йил сабр қилиб турар, эрсираб кетмас жуода!

— Оғзингизга қараб гапиринг, амма! — Исломбой кўзлари олашиб, Саломатга даҳанини чўзди. — Оғзингизга қараб гапиринг!

— Ҳа? Оғзимга нима қитти?

— Кўй, айланай, тур, уйингга кет, — деди кампир Исломбойнинг енғидан чангаллаб. — Худо хайрингни берсин уйингга борақол.

— Ҳайоаятсизми? ҳайоаятсанларми? — дея ваҳшат солди Исломбой. — Бунақа экан, нега чақириб келувдиларинг?!!

— Ҳеч ким сени ҳайоаятгани йўқ, ука. — деди Ориф бақироқ жеркиб.

— Йўқ, Исломбой, хафа бўлма, амманг мизг қилсаям, бари бир аёл, аёл-лигига боради, — деди Зариф найза. — Қурбинг етмаса, нима қиламиз, майли, ўзинг биласан. Зоримиз бор-у, зўримиз йўқ.

Бу гап сўнги томчи бўлиб, Исломбойнинг тўлган сабр касасини тошириб юборди.

— Амаки! — дея вишиллагандек галати овоз чиқарди у. — Нега мени қийнайверасиз, амаки?! Нега мундоқ ҳоли кунимни сўрамасдан, ҳаммангиз ҳар тарафдан талайверасиз? Бирортангиз билмайсиз, кўрган куним иттиқидан баттар, ахир! Мана, укам бир кечада ишсирма мизг бой бериб келти. Йишсирма мизг! Ёшим қирқ бешга чиқди, лекин шу пайтгача хотинимдан бесўроқ бир сўм сарф қилолмайман, биласизларми шунини?! Шу пайтгача буни инсон зотила айтган эмасман! Мен укамга бугун бир сўм опкелиб берай — эртага уйимда қиёмат!

Оғир сукунат чўқди. Аллақайси бугун тағида мов мушуклар юракни таталагудек ёқимсиз увиллади.

— Бу савдо ҳар кимнинг уйида бор, ука, — деди Ориф бақироқ.

— Келининг бунчалигини... ётирай, ҳеч сезмаган эдик-ку, — деди Зариф найза.

«Хотинингни сотиб бўлса ҳам қутулдинг-а, эҳ, расво!» деб ўйлади Ўринбой.

Саломат эса тап тортмай дилидагини тилига чиқарди:

— Ҳали шу аҳволда эркакман, деб дўпти қийиб юрирман,

оёгин? Хотиндан хароб бўлиб юрган экансан, рўмол уриб қўя қолгин эди биратўласи!

— Амма, — деди Исломбой оёриқ зарбидан тишини тишига босиб. — Олтиншига кироингизми? Дунёга товукфаҳм билан келиб, товукфаҳм билан кетар экансиз-да! Ҳаёеб менга тисқон учир, унча, суюк жиянингизга бир оғиз насиҳат қилсангиз бўлмайдингизми? Шу хунаса қимор уйнамаса, бу завоғлар йўқ эди.

Саломат бирдан кўтириб-тошиб шовқин солди:

— Уйнаган бўлса, ажаб қипти! Хун қипти! Буням эркак ўйнайди, қани, хотин ўйнаб кўрсин-чи!

Исломбой қалтираб ўриндан туриб кетди, кўз унги қоронғилашиб, аммасининг устига бостираиб борди.

— Амма! — деди ҳирқираб. — Ё сиз кетинг, ё мен кетаман! Ҳудо ҳаққи, кетинг, кўзимга кўришманг бир бало қилиб қўймасиндан!

— Вой, худойим-эй! — дея қаҳдаҳа урди Саломат. — Рухсор чиллаширға кучинг етмаган, менга йўл бўлсин!

Исломбой қаттиқ сўкинди, эшикни сизтаб очаркан, қарсилташиб пешонасини уриб олди.

— Ўйқаларинг! — деди Саломат унинг орқасидан кўзгалган каммир билан Анзиратга. — Қораси ўчсин!

— Бекор қилоинг, — деди Ориф бақироқ секин.

— Э, баттар бўлсин! Ҳудо урди-кетди, бир қориндан тушган жисар-а! Майли, ҳеч тавиши қилма, аканг бўлмаса, мана, мен — амманг бор! Етса — молим, етмаса — жоним! Э, йиғламанг, кенюйи, садқил кўз ёшингиз-а! Улимликсиз қалсам ҳам майли, юрту эл тўрт лаз қафан тошиб кўмар. Эртага сиз ўлсангиз: «Вой, онам», оёйиниғам ярамас экан бу тошбағир! Ака, қанча етмаётғубди?... Бўпти, эрталаб мен ўйдан олиб бераман! Вой, ака бўлмай турга борур, тўнғиздан тўқ-а!

«Ҳижжа-режа» эрталабгача давом этди.

Эрталаб кўзлари қизарган Ўринбой ўиндан сурдалиб чиқди-да, тўғри кечаси жойга йўл олди. Қор тинган, кўёш йилтирайди.

Наҳотки?!
Энди нима бўлади?!

У шаҳдам бориб ташини эшикни очди. Кечаси билан яна ўини бўлган шеклиги, хона тамаки ва ароқ исига тўлган эди.

Турда яғриндор бир киши майкачан бўлиб кўк дўхоба болишига ёнбошлаб ётар, дастурхон ёнида иккита илгин мастива ичиб ўтирар эди.

— Ҳорманглар-р! — деди Ўринбой имкони борича ўзини бетишанб тутушига уришиб.

— Э, келдингизми? — деди майкачан киши шифтоан кўз узмай. Хиёдан сўнг ёнбошига ағдарилиб, илжайди. — Яхши ётиб турдингизми?

— Мана, олиб қўйинг, — деди Ўринбой ва қўйиндан қора рўмолга ўралган тўғунчак чиқариб, кўрпачага ташлади. Мастива ичаётган илгинлар унга қараб қолинди.

— Э! — деб қўйди майкачан киши ҳамон илжайиб. —

Шунақа бўлудими?

— Шунақа бўлудои, — деои Ўринбой гижиниб.

Унинг олдиға бир коса мастава суриб кўйишди. Рўпарасида ўтирган холдор йигит иёлага ароқ тўлоуриб узатди. Ўринбой индамай симириб, бир паррак шўр бодринг тишлади.

— Шу пулни жудаям олгим келмаяпти-да, — деои майкачан киши яғринини кўтариб, — Менга қаранг, бир иш қилсак-чи: яна бир кўрмайсизми? Толе-да, «Ол, қулим!» деб юборса, тамом-вассалом. ҳеч нарса кўрмагандек бўласиз-кўясиз. А?

— Ҳаммасигали? — деб сўради холдор йигит.

— Бўлмаса-чи! А!

Ўринбой бу сатти бемаъни ҳазил деб билган бўлса-да, зада юрагига титроқ тушди.

«Йўқ, йўқ, йўқ! Худо сақласин!»

...Қасос, лаззатли қасос туйғуси унинг юрак-бағрини ўртаб борарди.

Қани энди, ҳозир, шу лаҳза, шу дақиқа қўлида оаста-оаста пул бўлсаю тўғри ақасининг уйига бостириб борса, қўйнидан оаста-оаста пул олиб олдиға ташласа, бўзрайган юзига оаста-оаста пул билан бир тушириб: «Пул топилади!» десаю жисми жаҳонини ёндираётга» аланган отишдан қутулса!

Қасос, лаззатли қасос!..

Бирдан у ўзини ибора қилолмай қолди: кўллари бўйсунмай олға чўзилди, қайноқ қон вижир-вижир тўлқин уриб, томиллари бўйлаб югура кетди.

Ошиқни кафтига олиб маҳкам чангаллади, нафасини ичига ютиб, кўзларини чирт юмди:

— Ё, Жамид!

МАСАЛЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Ҳар қандай бадий асар уни ўқиш жараёнида тушуниб ва ҳис этиб борилади. Ифодали ўқиш мукамаллашиб борган сари, бадий асарларни тушуниш ва ҳис этиш ҳам юкори даражага кўтарилаверади. Шунинг учун ҳам ифодали ўқиш машқларига ранг-баранг жанр ва услубдаги бадий асарларни жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жиҳатдан масалларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Негаки, масалларда, одатда, икки ёки ундан ортиқроқ иштирокчи бўлади. Албатта, бу иштирокчиларнинг бадий-эстетик вазифалари ҳам хилма-хил бўлиб, кўпинча улар турли манткий қутбларда жойлашади. Мана шу ҳолатнинг ўзи бу

типтаги асарларни ифодали ўқиш учун мутақо ўзига хос ёндашувларни тақазо этади.

Масалларнинг, дастлаб, ўзининг ихчам шакли билан эътиборлидир. У кичик жанрлар туркумига киради. Бу ўқувчиларнинг ифодали ўқиш машқларида жуда қўл келади. Зеро, йирик ҳажмли асарларни тушунишнинг ўзи ҳам осон кечмайди.

Масалларнинг яна бир афзаллик томони шундаки, уларда воқеабандлик жуда ёрқин тарзда акс этади. Бунинг устига масалларнинг ҳаётийлик даражаси ҳам жуда юқори бўлади. Кўпгина масалларнинг қиссадан ҳисса тарзидаги якуний қисмининг мавжудлиги улардаги ахлоқий-маънавий баркамолликни ҳам таъмин этади.

Айтилганлардан масал жанрини ифодали ўқиш жуда қулай ва уни ўрганишда ҳеч қандай қийинчиликлар рўй бермайди, деган хулосага асос бўлолмайди. Н.В.Соловьёвнинг кўрсатишича, “китобхоннинг масаллар мажозийлигини қайтарзда кўриши масалани анчагина мураккаблаштиради. Китобхон қайси образни ўз ички нигоҳи билан кўз олдига келтириши лозим: муаллиф чиғиб бераётган образни ёки назарда тутилаётган мажозини? Тажрибали китобхон, шубҳасиз, уларнинг ҳар иккисини ҳам кўра олади, аммо эндигина бу йўлга кираётган ёш китобхонни фақат битта образ – муаллиф томонидан номи тилга олинган образ (масалан, Балик, Сичқон, Айик, Бўри, Тулки, Товуқ, Қарга, Ит, Типратикан, Кўршапалак)ни кўришга йўналтириш лозим бўлади”¹.

Масал воқеабандлиги билан ажаралиб туради. Аммо бу воқеалар тавсифи учун ниҳоятда кичик ҳажм ажратилганини ҳам эътиборда тутиш керак. Шунинг учун ҳам жуда қисқа вақт оралигидаги образларнинг тадрижи ифодали ўқиш жараёнида тегишли тарзда ургуналиши жоиздир.

Масаллардаги асосий қаҳрамонлардан бири ровий - ҳикоячидир. Унга етарлича диққатни қаратмаслик масалдаги ғоявий-бадиий пафоснинг тушунилмаслигига, ҳис этилмаслигига олиб келиши мумкин.

Болалар ва бақалар

Ҳовуз ёнида ўйнаётган бир нечта бола сувдаги бақаларни кўриб қўлишибди ва уларга тош отишни бошлашибди. Улар шу тариқа бақаларнинг кўпини ўлдиршибди. Шунда бир Бақа бошини сувдан

¹ Соловьёва Н.В. Практикум по выразительному чтению. – М.: Просвещение, 1976, С.33.

чиқариб дебди: – Ўтинман, болалар, тўхтанглар, сизларга ўзини бўлган нарса бизга ўлимдир.

Қиссадан ҳисса: Бир одамнинг ўйин-кулагуси бошқаларга изтироб келтириши мумкин.

Тулки ва Қарға

Қарға дарахтга кўниб ўғирлаган гўшт бўлагини тумшугида тишлаб турганди. Буни кўрган Тулки гўштга эғалик қилмоқчи бўлди.

– Қарға қандай келишсан-а! – деб хитоб қилибди Тулки.

– Агар унинг овози ҳам кўриниши билан бир хил бўлсайди, у шубҳасиз, қушлар қироличаси деб ҳисобланарди.

У буни жўрттага айтди. Аммо ўзи ҳақида айтилган бу фикрнинг нотўғрилигини исбот қилмоқчи бўлган Қарға баланд овоз билан қазиллай бошлабди ва гўштни тушириб юборибди.

Тулки шартта тутиб олиб, Қарғага шундай дебди:

– Азизим Қарға, сенинг бинойидек овозинг бор, аммо ақлинг кам!

Қиссадан ҳисса: Хушомадгўйликка ишонманг!

Бунинг устига масалларда, кўпинча, енгилгина юмор ҳам бўладики, бу ҳам, асосан, ровний нутқида ўзининг тегишли тазоҳирини топади.

Масалларни ўқишда уларни тегишли мантиқий бўлақларга ажратиб олиб, бўлак-бўлак килиб ўқиш тавсия этилади. Масални битта талаба (ўқувчи) эмас, балки талаба (ўқувчи)лар гуруҳининг ўқигани мақсадга мувофиқ бўлади.

Масал қаҳрамонларига эътибор берайлик. Уларнинг бири бакироқ, иккинчиси беозор, учинчиси кўрқоқ, навбатдагиси эса нотавон ва пандаваки... Демак, уларнинг нутқи, ўзини тутиши ва бошқалар билан муносабати ҳам мана шу хислатларидан келиб чиқади. Демак, ифодали ўқишда масаланинг бу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш жоиз кўринади.

Масалларни ўқиш жараёнида талаба (ўқувчи)ларнинг мимикасига, юз ифодаларига, товушларининг ўзгариш даражаларига ҳам эътибор бериш, лозим бўлса тегишли тавсиялар бериш, тузатиш ва тўлдиришлар қилиш керак бўлади.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф қилган ҳолда қайтадан ўқиш уларнинг ифодали ўқиш малакаларининг барқарорлашиб боришидаги муҳим омиллардан бири бўлади.

Одатда, масалларда асосий қахрамонларнинг номи тилга олинган бўлади (Тошбака билан Чаён, Маймун билан Нажжор, Бўри билан Кўзичоқ). Агар у бошқачароқ аталган бўлса (Богда, Шалғом) қахрамонлар номи келганда уларни алоҳида оҳанг билан талаффуз қилиш керак. Энг муҳими эса, ҳа бир қахрамоннинг ўзига хос хусусиятлари, унинг бадий образ сифатидаги моҳияти тўла англаниши даркор.

Шу ўринда масалдаги образларнинг хатти-ҳаракатари ва бундан келиб чиқадиган ҳулосалар ўртасида баъзи айирмаларнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳам эслатиш керак. Зеро, масал мажозийликка таянган жанр сифатида бу имкониятдан тез-тез фойдаланиб туради. Масалан, Каккунинг боласини зўравонлик ва кўрkitиш йўли билан тортиб олган Тулкннинг салбий хусусиятлари канчалик муҳим бўлса, нодон ва лакма Каккунинг ўзини тутиши ҳам шунчалик муҳим танқиддир.

ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Шеърый асарлар оламни кўришнинг мутлақо ўзига хос шаклидир. Уларда ифоданинг қутилмаганлиги эътиборни тортади. Шунинг учун ҳам шеърый асарларнинг шакли, жанри, услуби ўқиш жараёнида диққат марказида бўлиши керак.

Омон Матжон шундай ёзади:

Дарёга дуч келсанг, салом бериб ўт,
Сенга чўккилардан хуш сув элтар у!
Шоирга дуч келсанг салом бериб ўт,–
Сени чўккиларга олиб кетар у!

Оддийгина ҳаётий манзаралар тасвири шоир учун катта фалсафий умумлашмалар қилишга имкон берган. Ифодали ўқишда мана шу маънонинг юзага чиқиши учун ҳаракат тақозо этилади.

Мисралардаги сўзларнинг тартиби ва уларга тушадиган мантикий урғулар ифодали ўқиш жараёнида эътиборга олинishi шарт. Акс ҳолда кўзўда тутилган маъно чиқмай қолиши, ҳатто мутлақо тесқари маънолар ҳам ҳосил бўлиб қолиши мумкин. Мисол учун Эркин Воҳидовнинг машҳур “Ўзбегим” қасидасидаги бир бандни олиб кўрайлик:

Мирза Бобур – сен, фиғонинг

Солди олам узра ўт,

Шоҳ Машраб қони сенда

Урди туғён, ўзбегим.

Агар мана шу банддаги биринчи мисрани ўқишда “Бобур” ва “сен” сўзлари кўшиб ўкиладиган бўлса, банддаги умумий мазмунга путур этади, асл маъро англашилмайди. Шунинг учун ҳам У Мирзо Бобурдан кейин маълум бир тўхтамни, паузани талаб қилади. Бундан кўра каттароқ тўхтам эса, “сен” ва “фионинг” сўзлари ўртасида кузагилади. Улар орасида эга – кесимлик муносабатини такидлашга тўғри келади. Зеро, бу ердаги “сен” Мирзо Бобурга эмас, балки “ўзбегим”га тегишлидир.

Баъзан шеъринг асарларда воқеабандлик ҳолатлари ҳам акс этади. Бундай шеърларнинг ўкилиши ҳам ўзига хос ёндашувни талаб қилади.

Энг аввало, бармоқ ва аруз вазидаги шеърларнинг ўзига хослигини эсга олиш жоиз.

Бармоқ тизимидаги шеърларда мисралардаги бўғинларнинг миқдорий кўрсаткичлари устувор мавқе тутаяди. Уларнинг ўзаро тенглиги шеърнинг муסיкийлигини таъминлайди, поэтик фикрнинг равон ва таъсирчанлигига кафолат бўлади:

Пўртана деб ошиқ қалбини,
Буюқларни ўхшатдим тоққа.
Лола дедим ёрнинг лабини,
Ва менгзаттим ойни ўчоққа.

Икки сўз бор – йўқдир такқоси,
Қиёс йўқдир ноёб маъданга:
Онагинам – онанинг ўзи,
Ватангинам ўхшар Ватанга!

Ушбу шеър саккиз мисрадан иборат. Улар тўртта-тўртга бўлиб икки бандни ташкил этади. Ҳар бир банд мисралари эса а : б : а : б тарзидаги қофияланишга эга. *Қалбини:лабини, тоққа:ўчоққа: таққоси: ўзи, маъданга: Ватанга* сўзлари мана шу қофиядошликни юзага келтирган. Ошиқнинг қалби пўртанага, улуглар тоққа, ёрнинг лаби лолога, ой эса ўчоққа ўхшатиляпти. Биринчи банд мана шу ўхшатишлар туфайли алоҳида, жозиб бир шаклга эга бўлган. Унинг мазмун мундарижаси мана шу шакл воситасида юзага чиқмоқда. Кейинги банд эса атайлаб ўхшатишлардан холи қилинган. Бу ердаги асосий мақсад она ва Ватаннинг танҳолигини, беқиёслигини

кўрсатишдир. Демак, шеъри ўқишда мана шу хусиятларнинг тингловчига етиб бориши устида ўйлаш керак бўлади.

Бу ерда мисраларнинг ички туруқларга бўлиниша ҳам муҳим:

4	+	5	
Пўртана деб		ошиқ қалбини,	
Буюкларни		ўхшатдим тоққа.	
Лола дедим		ёрнинг лабини	
Ва менгзаттим		ойни ўчоққа.	

Аруз вазнидаги шеърда эса тuroк ўрнида руки қўлланади. Бармоқ вазнида ҳар бир сўз тегишли тарзда муайян тuroкқа дахлдор бўлади. Арузда эса битта сўзнинг бошқа-бошқа рукиларга ўтиш эҳтимоли ҳам кучли. Юсуф Хос Ҳожибнинг битта тўртлигини кузатайлик.

Қара баш яғиси қизил тил турур,
 Неча баш еди бу, тақи ма еюр.
 Башингни тиласанг тилингни кўдаз.¹
 Тилинг тегма² кунда башингни еюр.

Қора бош ёви бу қизил тил турур.
 Неча бош еди у, яна ҳам еюр,
 Бошинг соғлиғи-чун тийиб юр тилинг.
 Тилинг истаган кун бошингга етур.

Бир қарашда ушбу мисраларнинг ҳам бармоқ вазнига жуда яқин келишини тасаввур қилиш мумкин.

Қара баш яғиси қизил тил турур,	3+3+3+2 = 11
Неча баш еди бу, тақи ма еюр.	3+3+3+2 = 11
Башингни тиласанг тилингни кўдаз.	3+3+3+2 = 11

Фақат охириги мисра бундай бўлинишга сиғмайди.

Тилинг тегма кунда башингни еюр.	2+2+2+3+2 = 11
----------------------------------	----------------

Демак, мана шу ўзига хослик унинг бармоқда эмас, балки арузда ёзилганини тасдиқлаб туради. Унинг бўлиниши эса куйидагича бўлади.

Қа-ра баш	я-ғи- си	қи-зил тил	ту-рур,
Не-ча баш	е-ди бу,	та-қи ма	е-юр.
Ба-шинг-ни	ти-ла-санг	ти-линг-ни	кў-даз.
Ти-линг тег	ма кун-да	ба-шинг-ни	е-юр.

¹ Кўдаз – асра, авайла

² Тегма - ҳар доим

Гарчи дастлабки учта мисрада сўзларнинг чегараси рукнлар чегараси билан уйғун келаётган бўлса-да, охириги мисрада битта сўз (тегма)нинг бир қисми олдинги, рукнга, бошқа бир қисми эса кейинги рукнга алоқадор бўляпти. Бундай ҳолат уларнинг ўқишида ҳам эътиборга олинishi керак. Уларни рукнларга ажратган ҳолда шундай ўқиш мумкин:

Қарабаш яғиси қизилтил турур,

Нечабаш едибу такама еюр.

Башингни тиласанг тилингни кўдаз

Тилингтег мақунда башингни еюр.

Шеър арузнинг мутақориб вазида ёзилган. У фаувлун, фаувлун, фаувлун, фаул оҳангида ўқилади. Буни жадвалда шундай кўрсатиш мумкин:

қа	ра	баш	йа	ғи	си	қи	зил	тил	ту	рур
фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул
не	ча	баш	е	ди	бу	та	қим	ма	е	юр
фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул
ба	шинг	ни	ти	ла	санг	ти	линг	ни	кў	даз
фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул
Ти	линг	тек	ма	қун	да	ба	шинг	ни	е	юр
фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ув	лун	фа	ул

ДИАЛОГЛАРНИ ИФОДАЛИ ЎҚИШ

Диалогларда, одатда, қаҳрамонлар ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, уларнинг кечинмаларидаги жиддий ўзгаришлар уларнинг ўз нутқлари орқали кўрсатиб берилади. Биз буни мисоллар ёрдамида кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Шойим Бўтаевнинг “Кўрғонланган ой” романида Убайдулла чавандоз қутилмаганда Рангонтоғ этакларида сайгоқларни кўриб қолади. Бу фавқуллода ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам чавандоз ҳузурли бир туйғуларни бошдан кечири бошлайди. Аслида, одамлар сайгоқларнинг пайдо бўлишини ҳаёлларига ҳам келтирмай қўйган эди. Ёзувчи буни шундай давом эттиради:

Мана энди, сайгоқларнинг Рангонтоғ этакларида пайдо бўлиши билан ҳаёл суриб, шулар ҳақида ўйлагани сайин ўйининг тубига етолмаган Убайдулла чавандоз кишлоққа етганда қун буткул ёришган, қуёш қорамтил тепалиқлар ортидан кўтарилиб келар эди.	<i>Воқеаларнинг табиий, босиқ, хотиржам ривожл. демакки, матини ўқишда ҳам босиқ ва оҳиста оҳангни талаб қилади.</i>
---	--

Такир подажойда беш-олти сигир кафш кайтармокда.	Ҳамма нарсанинг оват-даги маромда эканлиги қайдо этилаётир. Босиқ оҳангда ўқилади.
Подажойнинг бир четидаги қоп-қора харсангтош устида Тўйчи исмли подачи бир даста тут хивичининг орасидан яроклиларини танлаб олиб сават тўкиб ўтирарди.	Одатдаги маром ва рухий мувозанат қайдо этилмоқда. Хабар ўқувчи (тинсловчи) а янги қаҳрамон ҳақиқоли илк маълумотини етказмоқда.
– Хорма, Тўйчивой, – овоз берди Убайдулла чавандоз унга яқин келгач.	Сўхбатдоши эътиборини тортиши учун қилинган биринчи ҳаракат (қаҳрамон нутқи сал баландроқ, муаллиф нутқи эса пастроқ овозда ўқилади).
Тўйчи юмушдан бўшамаган холда бошини кўтарди.	Ҳали ҳеч нарсани хабарсиз одамнинг табиий ҳолати.
– Э, чавандоз бува, саломат бўлсинлар! – деди чавандозга қандайдир синчковлик билан боқаркан, – қайтптиларми? – деб сўради.	Қутилмаган пайтда пайдо бўлган сўхбатдошига нисбатан ҳайронлик ифодаси.
– Зўрсан, Тўйчи, зўрсан! – деди чавандоз бирданига подачини мактагиси келиб қолиб, – Ўзиям, қўлингдан келмайдиган иш йўқ-да.	Эътиборни тортиши учун қилинган иккинчи ҳаракат.
– Дунёйи тирикчилик-да, – деб кўйди Тўйчи подачи ҳам унинг мактови шунчаки эканлигини пайкаган холда ўз машғулотига давом этаркан.	Оддий жавоб: муаллифнинг қаҳрамонга изоҳи.
– Убайдулла чавандоз у билан хайр-хўшлашиб пича нари борди-ю, муҳим бир нарса илкис ёдига тушгандек отининг жилловини буриб, изига кайтди.	Эътиборни тортиши учун қилинган навбатдаги ҳаракат.
– Паккос эсимдан чиқай дебти-я, – деди у овозига сирли тус берганича, – Сендан суюнчи олишинг керак эди. Тўйчивой.	Эътиборни тортиши учун қилинган навбатдаги ҳаракат.
Тўйчи подачи чавандозга анкайиб қараркан, унинг суюнчи сўраётганининг сабабини англаб олишга интилди. Шу чоқда ёдига нимадир тушиб қолди, шекилли, томдан тараша тушгандек: Сигирингиз туғдим-я? – деб сўради.	Муаллиф нутқида таништириши давом этаётган хаёар оҳанги паст овозда ўқилади, саволда эса ажбланиши ва ҳайрат ифодаланади.
Убайдулла чавандоз эгар устида ўзини орқага ташлаб-ташлаб, хандон отганича қотиб-қотиб куларкан: – Э, омон бўл-э, Тўйчивой! – деди остидан юлкиниб чиқиб кетгудай бўлаётган отининг жилловини тортиб-тортиб қўйганича, – Сигирнинг туққан-гуғмаганини сен биласан-да, мен шунгайм суюнчи сўраб юрармидим?	Муаллиф нутқида чавандоздаги янги бир ҳолат юзага келганини қайдо этиши устувор, айни пайтда унинг ўз нутқини ўқийдиган овозини майда нарсалардан устун туришига интилаётган киши оҳанги сезилади.

<p>– Узр, чавандоз бува, бунака майда-чуйда нарсалар-га эътибор бермаслигингизни билардик, – Тўйчи подачининг овози оҳангида киноя, кесатик ҳам йўқ эмасди. – Жиндек гўрлик киддик, айбга буюрмайсиз.</p>	<p><i>Муаллифнинг ўзи ҳам таъкиллаётган киноя, кесатик оҳанги билан ўқилади.</i></p>
<p>Убайдулла чавандоз кинояни пайқади. Тўйчи подачининг сабр косаси тўлиб янгиликни тезроқ билиб олишга кизикаётгани унга маъкул келди. Бирок подачи ўзини лоқайд тутганича сир бой бермай туриши чавандознинг гашини келтирди. Убайдулла чавандознинг энсаси қотди-да, мана бўлмаса, дегандек отининг жиловини тескари бурди.</p>	<p><i>Чавандозда юз бераётган руҳий ўзгаришлар кетма-кетлиги оҳангнинг ҳам шунга муносиб тарзда ўзгаришини таъкиз этади.</i></p>
<p>Тўйчи унинг харакати астойдил эканини кўриб, чиқолмади, бирданига шовкин солди: – Хо-ой, чавандоз бува, канака одамсиз ўзи? Учини чиқаришга чиқардингиз, бу ёгини ҳам айтиб кетинг-да, ичингизда димиктириб нима киласиз?</p>	<p><i>Поодачи ва инсоний қизиқиши унинг руҳиятида ҳам ўзгаришни ҳосил қилади, унинг нутқи баландроқ оҳангда, аммо савоёл мазмунини акс эттирилганча ўқилади.</i></p>
<p>– Ха-я, сал бўлмаа унутаёзибман-а, – деди Убайдулла чавандоз ўзини гўлликка солиб.</p>	<p><i>Подаси нутқида шю ўлароқ, бу нутқ наст оҳангда ўқилади.</i></p>
<p>– Унутганингиз йўқ, – Тўйчи ер тепинди. – атай шундай қиляпсиз, ялинсиз деяпсиз . . .</p>	<p><i>Энди наст, аммо таъкид оҳангида ўқилади.</i></p>
<p>– Ие, ие, – Убайдулла чавандоз дабудрустан айтилган бу гапдан эсанкираб қолаёзди. – Асло бундай ўйлаганим йўқ эди-ку . . .</p>	<p><i>Табиий ҳайронлик ва "юмшати" маъносига уру берилади.</i></p>
<p>– Йўкса нега индамай кетмоқчи бўласиз?</p>	<p><i>Оловнингидей, порозилик эмас, балки савоёлда жавоб кутиётган одам оҳанги сезилади.</i></p>
<p>– Мен сайғоқларни кўрдим, Тўйчивой, улар Рангонтоққа қайтишибди.</p>	<p><i>Оддий хабар оҳангида ўқилади.</i></p>
<p>Унинг, ёлғон айтапсиз, дейишга тили айланмаса-да, чавандоз одам, ҳовлиқяпти, деган хаёлга борди. Тўйчи ўй-хаёллари шундоққина юзида акс этиб турадиган одамлар тоифасидан эди. Унинг юзига қараб ичидагини билиб олган чавандоз тўсатдан жахланиб: – Кўзимга кара, Тўйчи, – деб қолди.</p>	<p><i>Муаллиф нутқидаги хабар, янги маълумотларни бериши мазмуни шунга муносиб бўлган босиқ, оёйишита оҳанги талаб қилади. Қахрамон нутқида эса қатъият, шонч, сўхбатдошга нисбатан даъват оҳанги сезилади.</i></p>

Албатта, ушбу матн ўқилаётганида қахрамонлар нутқи билан муаллифнинг изоҳини бир хил оҳангда кўйиб бўлмайди. Қахрамонлар нутқи уларнинг реал вазиятидан келиб чиққан ҳолда

тегишли мантикий ургулар билан ўқилса, муаллиф нутқи изохнинг мантикий йўналишига асосланган ҳолдаги ёндашувни талаб қилади.

Бу жиҳатдан Навоийнинг “Фарход ва Ширин”идаги машҳур диалог ҳам эътиборлидир. Ушбу диалогни матн мазмунига эътибор берган ҳолда ўқиб чиқамиз:

Хусрав ва Фарход мунозараси

Деди: кайдинсен, эй мажнуну гумрах ¹ ?	<i>билишга, танишишга бўлган қизиқиш мазаҳ, устидан кулиш</i>
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ	
Деди: недур санга оламда пеша ² ?	<i>мақсадини аниқлашга уриниш ҳаётий ақидасининг илк эътирофи</i>
Деди: ишк ичра мажнунлук хамиша.	
Деди: бу ишдин ўлмас касб рўзи ³ ,	<i>эътироз</i>
Деди: касб ўлса баслур ишк сўзи.	<i>эътироз инкори</i>
Дедиким: ишк ўтидин де фасона ⁴ !	<i>менсимаслик</i>
Деди: андин киши топмас нишона.	<i>бу ҳодисаларга мунабат ва баҳо</i>
Дедиким: куймагингни айла маълум!	<i>исбот талаби</i>
Деди: андин эрур жоҳ аҳли ⁵ маҳрум!	<i>мантикий номувофиқликка эътибор тортиши</i>
Деди: кай чоғдин ўлдунг ишк аро маст?	<i>эътирофнинг илк кўриниши</i>
Деди: рух эрмас эрди танга пайваст ⁶ .	<i>таъкид</i>
Деди: бу ишқдин инкор қилгил ⁷ !	<i>таъсия ва даъват</i>
Деди: бу сўздин истигфор қилгил ⁸ !	<i>қатъият</i>
Деди: ошиққа не иш кўп қилур зўр!	<i>қизиқиш, билиб олишга интилиш ва мазаҳ</i>
Деди: фуркат ⁹ қуни ишқи балошўр ¹⁰ .	<i>қатъият ва барқарорлик</i>
Деди: ишк аҳлининг недур ҳаёти?	<i>қизиқиш</i>
Деди: васл ичра жонон илтифоти.	<i>эътироф</i>
Деди: дилбариянгни не сифотин!	<i>синаб кўриши</i>
Деди: тил ғайратинидин ¹¹ тутмони ¹² отин!	<i>қизганиш, рашиқ</i>
Деди: ишқиға кўнглунг ўриндур.	<i>синаб кўриши</i>
Деди: кўнглумда жондек ёшуриндур ¹³ .	<i>эътироф ва қатъият</i>
Деди: васлиға борсен орзуманд?	<i>синаб ва шубҳа</i>
Деди: бормен ҳаёли бирла хурсанд.	<i>масоҳиқ ва эътироф</i>
Деди: нўшин ¹ лабидин топғай эл баҳр?	<i>сўров</i>
Деди: ул нўшдин эл қисмидур захр.	<i>исбот ва даъват</i>

¹ гумрах - йўлдан адашган

² пеша - касб, ҳунар, иш

³ касб рўзи - ҳар кунги иш, ҳунар, машғулот

⁴ фасона - афсона

⁵ жоҳ аҳли - мансаб, амал егалари

⁶ пайваст - боғланган, уланган, туташган

⁷ инкор қилгил - қайт

⁸ истигфор қилмоқ - таъба қилмоқ

⁹ фуркат - айрилиқ, ажратилиш, ажратиб қолиш

¹⁰ балошўр - бало келтирувчи

¹¹ ғайратидин - раъядан

¹² тутмон - тутмайман, айтмайман

¹³ ёшуриндур - яширин

Деди: жонингни олса лаъли ⁷ ёди?	<i>савол ва тааж жуъ</i>
Дедиким: ушбодир жоним муроди.	<i>ътироф ва тасдиқ</i>
Деди: кўксунгни гар чок этса бебок ⁹ ?	<i>синов</i>
Деди: кўнглум тутай ҳам айла деб чок.	<i>қатъият ва барқарорлик</i>
Деди: кўнглунг фидо қилса жафоси?	<i>синов</i>
Деди: жонимни ҳам айлай фидоси.	<i>қатъият</i>
Дедиким: ишқдин йўк жуъ ³ зиён буд ⁶ ,	<i>қайтарилган уриниш</i>
Деди: бу келди савдо аҳлига суд ⁵ !	<i>ътироф ва тасдиқ</i>
Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур!	<i>оъёлат</i>
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур.	<i>инкор</i>
Деди: ол ганжу ⁷ кўй меҳрин ⁸ ниҳоний ⁹ ,	<i>тақлиф</i>
Деди: туфрокка бермон ¹⁰ кимёни ¹¹ .	<i>асос</i>
Деди: жонингга хижрон ¹² кинакашдур ¹³ ,	<i>ҳайрат</i>
Деди: чун бор васл уммиди – ҳушдур ¹⁴ .	<i>ътироф ва эътибор</i>
Дедиким: шахга бўлма ширкат ¹⁵ андеш ¹⁶ !	<i>таҳдид</i>
Деди: ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!	<i>асос ва оқил</i>
Деди: кишвар ¹⁷ берай, кеч бу ҳавасдин!	<i>тақлиф</i>
Деди: бечора, кеч бу мултамасдин ¹⁸ !	<i>маъна ва қатъият</i>
Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!	<i>таҳдид</i>
Деди: ишқида мақсудимга етгум.	<i>қатъият</i>
Деди: бу ишда йўк сендин йироқ қатл.	<i>таҳдид, дағдаға</i>
Деди: бу сўзларингдин яхшироқ қатл.	<i>маъна.</i>
Нечаким бўлди мушкул сўз хитоби, Басе осон анга этти жавоби.	
Чу Хусрав кўрди бу янглиғ таҳаввур ¹⁹ , Тақаллум ²⁰ айламак сочқон киби ²¹ дур	

Агар диалогдаги иштирокчи бўлган ҳар бир қаҳрамоннинг нутқи улар кўзда тутган ниёт, бадиий атнда эгаллаган мавқелари, қолаверса, шоир кўзда тутган поэтик маъно билан уйғун ҳолда ўқиладиган бўлса, китобхон – ўқувчиларнинг улардан тегишли рухий-маънавий озука олишлари ҳам қафолатланади.

⁷ нўш - ичмок

⁸ лаъли - қимматбахо қизил тош, бу ерда лаб маъносида ишлатилган

⁹ бебок - кўркмасдан

³ жуъ - бўлак, ким, фасл, дафтар (кўлаёзма китобларди)

⁶ буд - борлик

⁵ суд - фойда, манфаат, наф

⁷ тааж - хашиша

⁸ меҳр - 1) муҳаббат, 2) офтоб, қуёш

⁹ ниҳоний - яширин

¹⁰ бермон - бермайман

¹¹ кимёни - бу йерда подир, тент сит маъносида

¹² хижрон - айрилик

¹³ кинакаш - адоват қилувчи

¹⁴ ҳушдур - яхшидур

¹⁵ ширеклик - умумийлик

¹⁶ фикр-уй - мулоҳаза қилмок

¹⁷ кишвар - мамлакат, улка

¹⁸ мултамас - илтимос қилинган, сўралган

¹⁹ таҳаввур - гелбалик, ўйламай иш туттишлик, ботирлик - жасорат

²⁰ тақаллум - гаплашиш, суҳбат; гаплашмок, суҳбатлашмок

²¹ киби - каби, сингари

МАТН НАМУНАЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим?!

Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?!

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға
Ҳар тарафдин юз туман¹ тиғи жафосин кўрмадим?!

Кимга кўнглум айлади меҳру муҳаббат фошким,
Ҳар вафога юз жафо анинг жазосин кўрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға,
Ғайри сари хулку лутфи жон физосин кўрмадим?!

Кимга солдим кўз қораву оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оку коросин кўрмадим?!

Сен вафо ҳусн аҳлидин қилма таваққуъ², эй рафиқ
Ким, мен ушбу хайлнинг ҳусни вафосин кўрмадим.

Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллида
Ким, бу ишда дайр пирининг ризосин кўрмадим.

Қитъа

Камол касбига далолату нуқсонидин взҳори малолат

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чикмок,
Жаҳондин нотамом ўтмак биайних³,
Эрур ҳаммомдин нопок чикмок.

Рубоий

Кўз била қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз била сўзинг яхши, дудоғинг яхши,
Енг била менгинг яхши, сақоғинг яхши.
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

¹ Туман – ўн минг

² Таваққуъ – кўз тутиш, умидвор бўлиш

³ Биайних – гўё, худди, каби

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг!

Гар замонни найф қилсам айб қилма, эй рафик,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиг!

Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиг.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлик асру кўр,
Эмди кўнгул тутмақ не маъни ҳар ямондин яхшилиг?

Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг!

Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур қибн,
Ким, кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?

НОДИРА

Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.

Қилди чоки пирохан доғи дилимни ошкор,
Қолмади кўнглимда заҳми ишқ пинҳон оқибат.

Аҳд-у паймонлар қилиб эрди, вафо қилғум дебон,
Айлади тарки вафо ул аҳди ёлғон оқибат.

Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин,
Пора бўлди ҳажр илгида гирибон оқибат.

Зоҳидо, ишқ-у муҳаббат аҳлини маъзур тут,
Ёр кўйида на бўлди шайх Санъон² оқибат.

Баски қон бўлди юраким, гавҳари ашқ ўрнига
Қатра-қатра кўзларимдин томди маржон оқибат.

² Шайх Санъон – бадиий асар қаҳрамони, Христиан ҳаятга ошқ бўлиб, дин на ғайбодан келган

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ

Фасли навбахор ўлди

Фасли навбахор ўлди кетибон зимистонлар,
Дўстлар, ганиматдур, сайр этинг гулистонлар.

Субҳидам тушуб шабнам бўлди сабзалар ҳуррам,
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.

Настаран ювиб юзни, ёсумон тўзиб ўзни,
Наргис очибон кўзни интизори ёронлар.

Бир сахар эдим уйғок: ўт тутошти оламға,
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,
Сарв гул уза доим торгар оху-афгонлар.

Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидам хазон фаслин,
Ғунча кон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Кечтилар вафо аҳли колмайин тутуб савсан,
Қийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар,

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,
Ранжу гуссада доно, кечса шод нодонлар.

ГУЛҲАНИЙ

Туя билан бўғалоқ

«Бор эди Фарғонада бир сарбон,
Теваси¹ бор эрди - туғди ногаҳон.

Ақлу аёли² анинг бас эрди чўк,
Озукадин кулбасида нарса йўк,

Ҳосили дунё эди бир теваси,
Эмадигон орқасидин бўғаси.

Бир кунни ул тевасини кўмлади³,
Ортадигон юкларини жўмлади¹.

¹ Тева - туя

² Аҳли аёли - бола-чака

³ Кўмлади - чуқтирди

Юклари эрди огир-у йўл йирок,
Ўртади тайлокини нори фирок.

Фасли тамуз² эрди, ҳаво чўх исиг,
Йўлда темурдек эди, қумлар кизик,

Оч ўтина қуйди, анодин жудо,
Модарини³ меҳрида эрди адо.

Жаҳд ила етмай аносин кетидин,
Қумда қуярди, гами ул сийнадин⁴.

Огир юки йўлда ўшал сорбон,
Йўлга чўқурди тузатай деб равон.

Қолди хориб аноси аркосидин,
Ёнди ҳароратлари яғмосидин⁵.

Бўзланиб айтди: - «Аё, бераҳм энам,
Қуйди-ю, ёнди-ю, туташти танам.

Аста юрусанг на бўлур, ман етай.
Ташна бўлиб ҳордим-у қолдим, эмай.

Айди онаси балосига⁶ боқиб,
Кўзларини ёшлари сувдек оқиб:

«Кўрки, бурундук кишининг қўлида,
Бу кишини кўзлари ўз йулида,

Манда агар зарра каби ихтиёр,
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор⁷».

¹ Жўмлади - жамлади

² Тамуз - ёлдирагон

³ Модар - она

⁴ Сийна - она кўкраги

⁵ Яғмо - галон-гарош. Бу ерда иссиқ азоби кўзда тутилмоқда

⁶ Балло - бола

⁷ Зери бор - юк остида (қолмоқ)

МУҚИМИЙ

Навбахор

Навбахор очилди гулларб сабза бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинларб жўраларб ўртоқлар.
Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.
Рух очиб кўздин ниҳон бўлса паридек, найлайн,
Айрилиб хушу ақлдин телба бўлмай соғлар.
Ҳайфким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул оўёнин зоғлар.
Марҳам истаб кимсадин, захми дил изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдин ўзга, устига тирноғлар.
Тобакай мундоғ маломат кунжида доим Муқим,
Бу замон кўз тутгин эмди сенга бўлсун тоғлар.

ҒАФУР ҒУЛОМ СОҒИНИШ

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш,*

*Узилган бир китрик абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид,
Бугун сабза бўлди қишдаги нафас,
Ҳозир қонда кезар эртаги умид.*

*Хоки анжир тугаб, қовун гарқ пишган,
Бахтли тонг отар чоғ уни кузатдим,
Бир малъун гулианга қадам қўймишкан,
Жони бир жондошлар қолармиди жим.*

*Унда етук эди мерос мард зурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб ўзимдай мағрур,
Яъни обод уйимни у дилиод қилди.*

*Иблиснинг гарази бўлган бу уруш
Албатта, етади ўзин бошига.
Ўелим омон келади, голиб музаффар,
Гард ҳам кўндирмасдан қора қошига.*

*Не қилса отамен, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишга унинг ҳаққи бор.
Кутаман узоқдан кўринса бир от,
Келаяпти, дейман кўринса гўбор.*

*Баҳор новдасида бўртган ҳар куртак
Соғинган кўнгилга берар тасалли.
Кўчатлар қоматини эслатганидак,
Нафасин уфурар тонг отар ели.*

*Кечкурун ош сузсак бир насиба кам,
Кўмсайман бировни — аллакимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам.
Баъзан васвасалар босар дилимни.*

*Балки бир галат ўқ, ё хавфу хатар
Хазинаи умримдан йўқотди олма...
Йўқ, у ўлмас, қадами олам яратар,
Ҳаётий бу олам сизу бизга хос.*

*Ўроғу гулқайчи, истак кўтариб,
ҳовримни босишга боққа жўнадим.
ҳашарчи қўшни қиз — унинг севгани,
Маъюс босар эди орқамдан одим.*

*Богда сарвинозим йўқ эди гарчанд,
Кўмакчим аргувон ёринг Нафиса.
Сени соғинганда қилдим гул пайванд,
Бу баҳордан ҳаёт оларди бўса.*

*Дур бўлиб тақилур ёрнинг бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бу ёш.
Икковинг икки ёш, лабинг лабига
Қўяр. Васвасамдан кулади қўёш.*

*Сизларни, келди, деб эшитган куни,
Ўзинг тўқиб кетган катта саватда
Тўлатиб шафтоли узиб чиқаман,
галаба кунлари яқин албатта.*

*Яёв, кўксим очиқ, бошида шафтолу,
Худди мўйлабингдек майин туки бор.
ҳар битта шафтолу мисоли кулеу,
Шафақдай нимпушти, сарин, безубор.*

*Суйганинг лабида реза тер каби
Унда титраб турар сабуҳий шабнам.
Мунчалик мазани топа олмайди
Уйкуда тамшанган чақалоқлар ҳам.*

*Ё ўғлим, эсонгинанг саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топирилган меросий ҳақ-ла.*

*Богда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз.
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз.*

АБДУЛЛА КАҲҲОР

“Сароб”дан

«Ўртоқ Саидий! Идора хизматчиларимизнинг эҳтиётсизлиги орқасида бўлса керак, қоладиган материаллар орасига тушиб кетган «Водий» сарлавҳали шеърингиз. «қаландар» сарлавҳали ҳикоянгизни кечикиб бўлса ҳам навбатга қўйдик. Шу икки асарингиз юзасидан идорага бир кириб чиқишингиз сўралади.

*Ўртоқлик саломи билан:
Кенжа»*

Саидийнинг вужудини титроқ босди, бу титроқ қўрқувданми, қутилмаган севинчданми эканини ўзи ҳам билмас эди. У хатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг, ўзини андак босиб олиб, атрофига

қаради, назарида, бутун шиелар туси ўзгарган, кулиб тургандай кўринар эди. Саидий хатарли довога ётишиб охири эсон-омон унинг устига чиққандай уф тортди-да: «Олам яхши. Ҳаёт ўзгал. Натijasиз меҳнат бўлмайди», деди.

У эшикни ётиб печкага суянди, сўнгра, пальтосини очиб каравотга ирғитди-да, каравот ёнига борди, унинг остидан журналларни олди ва тиз чуқиб ҳаммасини varaқлай бошлади; журналларнинг муқовасидаги литограф буюқларининг ҳиди, нечукдир, димоғига хуш келар, уни атайлаб ҳидлар эди.

Саидий шу куни кечгача ҳужрада ивирсиб овқатга ҳам бормади; кечаси ҳужрани яхшилаб йиғиштирди, китобларни қайтадан терди, хатни оппоқ қоғоз ёйилган столнинг бир четига қўйиб, шеър ва ҳикояларини кўчириб қўйган дафтарини узоқ varaқлаб ўтирди; бирон нарса ёзишга уринган эди, сира бошлай олмади; бирон нарса ўқитини эса сира хоҳламас эди.

Саидий эрталаб ваҳимага тушди: хатда гарчи шеър билан ҳикоя босиши учун навбатга қўйилгани очик айтилсада, ёзувчилик иши назарига бир тилсим бўлиб кўрингани учун бунга тўғра шиюниб етмас эди. У Кенжанинг ким ва қандай одам эканини билмайди. Ким билади, балки у журттага шундай хат ёзгандир: борса ё уришиб берар, ё «шюир бўлмаган бир сен қолган эдинг», яқинда ариза ва қарорлар ҳам шеър билан ёзиладиган бўлади!» деб кўнчилилик ичида ўсая қилар. Бормай қўя қолса-чи?

Саидий ҳарҳолда боришга қарор берди, аммо юраси орқасига уриб, нонушта ҳам қилолмади, нон оғзида айланади, худди бир нарса томоғидан бўғиб тургандай, ютолмайди.

Саидий журнал идорасига етгунча ўзини ўзи оғоҳлантириб борди: «Ҳой бола, асли, қачон бўлса-да, рўёбга чиқини умидида мапакшгни қилиб юраверсанг бўлар эди. Энди-ку, боришга бораётурсан, сўлиб қайтишини бир мартаба бўйнингга олиб қўй!»

Бутун қийинчилик қовоғини солиб тургандай кўринган бошқарма биноси бўсағасидан ўтишида бўлди, йўлакка кирганидан сўнг ўзини дадил тутди, ҳатто икки томондаги қатор кетган эшикларнинг биридан чиққан улусифат бир одамдан Кенжанинг қайси уйда эканини тортинмай сўради, ўшандай дадиллик билан эшикни очиб кирди. Кираверишида ўнг томонга қўйилган абжаққина стол ёнида бир йиғит ўтирар эди. Уйнинг тўридаги, кўришида каттароқ одамнинг ўрни кўринган стол устида даста-даста қоғоз ётар, аммо эгаси йўқ эди. Ҳалиги йиғит бошини кўтариб, Саидийга

бир қарами-да, яна ўз иши билан машғул бўлди. Саидий уни таниди. У бир вақт боргани ёзувчилар мажлисида калтакланган, беобрў қилинган йиғит эди. Саидий тўғри серсават стол ёнига бориб кутди. Оғинадан сўнг пакана, юмалоқ, бўйни калта, юзи ишишиқираган, заҳил бир йиғит кириб, Саидийнинг афтига ҳам қарамай, столга ўтирди ва қозоқларни титкилай кетди. Саидий анча кутди. Бу одам бошини кўтариб қарамагандан сўнг, секин:

— Ўртоқ Кенжа сиз бўласизми? — деб сўради.

Шунда ҳам бу одам Саидийнинг юзига қарамай жавоб берди:

— Ана у киши!

Саидий бўрилиб кетди. Кенжанинг олдига борди. Кенжа ишлаб турган ишини бир четга суриб, Саидийга қаради ва сўрагани қўл узатди.

— Сиз Раҳимжон Саидийми? Яхши, қани ўтиринг!

Саидий ўтирди. Кенжа столнинг тортмасидан Саидийнинг қўлёзмаларини олди.

— Бу сизнинг биринчи асарларингизми ё илгари ҳам ёзиб юрар эдингизми?

— Шу... Унча-мунча машқ қилиб юраман. Бир-иккитасини юборган эдим.

— Ҳар иккала асарингиз ҳам босишга ярайди, аммо икковида ҳам, ҳусусан шеърда, мепинг билишимча, бирмунча камчиликлар бор. Мен буларни айтмай, истасангиз ҳозир, шу ернинг ўзида, йўқса кейинчалик бафуржа муҳокама қилиб кўринг. Агар тўғри бўлса — ўзимиз ва бошқа ўртоқларнинг ёрдами билан тузатармиз.

Оламда кишини яйратадиган нарсаларнинг ҳисоби йўқ, аммо буларнинг ҳаммаси заҳарли сўз, оловли қамчи кутган кишинг томонидан бўлган илтифотга етармикин? Кенжа «муҳтоз шоирлар»дан эмаслигини Саидий билса ҳам, ҳарҳолда, ундан заҳарли сўз, оловли қамчи кутган эди.

— Ёзган нарсаларим маслаҳат беришга арзирлик бўлса, яна сиз кўмак ваъда қилсангиз суюнаман...

Саидий унинг шеър ҳақида берган маслаҳатларини маъқуллади, аммо ичида ўйлар эди: «Бу юмишқлик, ширин сўзлик билан одамнинг адабини берадиган хилдан кўринади. Ҳозиргина иккала асарни ҳам яроқли деган эди. Мулойимлик билан шеърни чиқитга чиқарди. Энди ҳикояни ҳам секин қўлимга қайтариб беради-ку!»

— Ҳикоянгиз яхши, аммо нотамом, — деди Кенжа.

«Ана, — деди Саидий ичиди, — айтмадимми». У нимадир демоқчи эди, Кенжа давом этди:

— Ўзбек қизининг ёмон турмушини усталлик билан кўрсатган бўлсангиз ҳам, шу билан кифояланмаслик керак эди. Биз, бўлажак адиблар, турмушнинг ботқоқ ерларинигина эмас, ундан чиқини йўлларини ҳам кўрсатишимиз лозим. Шунинг учун мен ҳикоянгизга бир боб қўшдим. Ўқиб бераман, рози бўлсангиз — шундай, йўқса, аслича босилар.

Бу боб ҳикоягагина эмас, Саидийнинг ўзига ҳам жон киргизди.

— Биласизми, Кенжа ака, — деди Саидий, — шу ҳикоя босилиб чиқса қанча хурсанд бўлишимни кўз олдингизга келтира оласизми? Ҳозир мен ундан неча ҳисса ортиқ севиндим. Ҳикоя босилиб чиққанда мен фақат унинг босилганига қувонар эдим, холос. Шу ҳикояни тузатиш учун қанча вақт, сабр ва меҳнатни аямаганингиз менга бошқа бир шоҳликдан дарак беради: демак, ёзаверсам бўлади, демак, маслаҳат ва кўмак беришга арзийман, демак, одамлар асаримни кўриб «орзуга айб йўқ», ё бўлмаса «нотавон кўнгил», деб кулмайди.

Кенжа кулди.

— Демак, шу бобга розисиз?

— Дўстона кўмагингиз учун ташаккур билдиришдан бошқа сўзим йўқ.

МИРТЕМИР

ОНАГИНАМ...

Товонимга чақир тиканакадай ботгувчи —

Ғашлик.

Бедаво сизловиқдай сизлатгувчи —

Ғашлик.

Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,

Чувварага чеккувчи —

Ғашлик.

Мени ўйлаб нотавон ва нимжон,

Ғашимга теккувчи —

Ғашлик.

Суюқларимни сирқиратиб,

оч теватдай гажигувчи,

Кўзимга ёш тирқиратиб.

жигилдонимда аччиқ бўзадай ачигучи

Ғашилик.

Дунёга қайта келишимга кўзим етсайди.

Йигит ёшим тўлмай туриб.

Айрилиқ зайлида қоқ ёгочдай қуриб

Жон берган онимни кўришимга

кўзим етсайди,

Тиззасига бир нафас бош қўйишимга

кўзим етсайди,

Оналик меҳрига ўбдон тўйишимга

кўзим етсайди,

Оқ сутингни оқлай, дейишимга

кўзим етсайди,

Менда гашилик нетарди?

Янтоқ ўтинидек,

Тамаки тутунидек,

Тонг пайтида таралган бадбахтлик тунидек —

Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!

Онагинам!

Одам бўлдимми менам?

Йигит ёшимгача бир челақ сув келтириб

бермаган бўлсам,

Ё ташиналигингда бир коса шарбат тўлдириб

бермаган бўлсам,

Ё нон ётишинг учун,

Ҳатто бир йўла, бир кун

Саҳродан ўтин орқалаб келмаган болангман...

Оғзингдан сўз чиқмай, елмаган болангман...

Сенинг арзимас бир юмушингни адо этолмаганим,

Сенинг бир шиорангга юз ўмбалоқ ошиб

кетолмаганим,

Сени жиндақ хушвақт қилгани,

Сени жиндақ хушбахт қилгани —

Тагсиз эсарлардан ўтолмаганим,

Сени сўнги йўлга ўзим узатолмаганим —

Тогдай зил.

Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,

онагинам!

Одам бўлдимми менам?
 Ҳа, одам санашар мени элимда.
 Сенга қилолмаган хизматим,
 Сен деб чеколмаган заҳматим —
 Жиндак зеҳним, жиндак шеърим,
 жиндак газалхонлигим,
 Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,
 жиндак яхшилик ва ёмонлигим
 Мени одам санаган элимга баҳшида,
 жафодийда онагинам!
 Элга хизматим — сенга хизматим эмасми ахир,
 Эл мени фарзандим демасми ахир!
 Рози бўл, одам саналай менам...
 Дунёга қайтиб келурман,
 Лекин бошқа ўгил бўлиб...

ЭРКИН ВОҲИДОВ

ЎЗБЕГИМ

(қасида)

Тарихингдир минг асрлар
 Ичра пинҳон, ўзбегим,
 Сенга тенгдош Помиру
 Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.

Сўйласин Афросиёбу
 Сўйласин Ўрхун хати,
 Кўҳна тарих шодасида
 Битта маржон, ўзбегим.

Ал Беруний, Ал Хоразмий,
 Ал Фароб авлодидан,
 Асли насли балки Ўзлуқ,
 Балки Тархон, ўзбегим.

Ўтдилар шўрлик бошингдан
 Ўйнатиб шамширларин

Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.

Тоғларинг теғрангда гўё
Бўёма аждар бўлди-ю,
Икки дарё - икки чашиинг,
Чашии гирён, ўзбегим.

Қайсари Рум найзасидан
Бағрида доғ узра доғ,
Чингизу Боту тизига
Кўкси қалқон, ўзбегим.

Ёғди тўрт ёндин асрлар
Бошингга тийри камон,
Умри қурбон, мулки торож,
Юрти вайрон, ўзбегим.

Давр зулмига ва лекин
Бир умр бош эмадинг,
Сен - Муқанна, сарбадор - сен,
Эрксевар қон, ўзбегим.

Сен на зардушт, сен на буддий,
Сенга на оташ, санам,
Одамийлик дини бирла
Тоza имон, ўзбегим.
Маърифатнинг шуъласига
Талтиниб зулмат аро,
Кўзларингдан оқди тунлар
Кавкабистон, ўзбегим.

Тузди-ю Мирзо Улуғбек
Кўрагоний жадвалин,
Сирли осмон тоқига илк –
Қўйди нарвон ўзбегим.

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон.

Шеърят мулкида бўлди
Шоҳу султон ўзбегим.

Илму шеърда шоҳу султон,
Лек тақдирига қул,
Ўз элида чекди гурбат,
Зору нолон ўзбегим.

Мирза Бобур – сен, фигонинг
Солди олам узра ўт,
Шоҳ Машраб қони сенда
Урди тугён, ўзбегим.

Шеърятнинг гулшанида
Сўлди маҳзун Нодира,
Сийм танни ювди кўз ёш,
Кўмди армон, ўзбегим.

Йиглади фурқатда Фурқат
ҳам муқимликда Муқийм,
Нолишингдан Ҳинду Афгон
Қилди афгон, ўзбегим.

Тарихинг битмакка, халқим,
Мингта Фирдавсий керак,
Чунки бир бор чеккан оҳинг
Мингта дoston, ўзбегим.

Ортада қолди кўҳна тарих,
Ортада қолди дард, ситам,
Кетди ваҳминг, битди заҳминг,
Топди дармон, ўзбегим.

Бўлди осмонинг чарогон
Толе хуршиди билан,
Бўлди асрий тийра шоминг
Шуълаафшон, ўзбегим.
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда битта гул.

*Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужсон ўзбегим.*

*Фахр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон ўзбегим.*

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлигим билмоққа даврим
Берди имкон, ўзбегим.*

*Мен буюк юрт ўғлидурман,
Мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлсам
Содиқ ўғлон, ўзбегим.*

*Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.*

*Қайга бормай, бошда дўптим,
Гоз юрарман гердаийиб,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.*

*Бу қасидам сенга, халқим,
Оқ суту туз ҳурмати,
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон ўзбегим.*

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ОНАЖОН

(Онам Турди Карвон қизи хотирасига)

Неча кунки йўқ оролим,
Келолмайман ҳушимга.
Онажоним кечалари
Кириб чиқар тўшимга.

Қўлларида оқ елгузич
Ой нурида ялтирар.
Онажоним имлаб мени
Қошларига чақирар.

Келтирарлар гоҳо бешик
Кўзларида ҳаяжон.
Ётар пайтинг бўлди-ку дер,
Кела қол, дер, болажон.

Қайларгадир югурман,
Физонимдан чиқар дуд.
Йиғлама, деб қўлларимга
Тутқазарлар сўнг тобут.

Тонгда руҳсиз кўз очаман,
Қовурилар танда жон.
Онажоним, бундай қилма,
Бундай қилма, онажон.

Ахир ўзинг дер эдинг-ку,
Силаб ўксук бошимни:
— Энди сенга берсин умр,
Сенга берсин ёшимни.

Афсус, ўзинг эрта кетдинг,
Эрта кетдинг оламдан.
Укаларим бағрим эзар,
Ажралдик деб онамдан.

Бевақт ҳазон бўлмай ҳар ким
Яшаб ўтсин дунёда.
Онажоним, ҳар ким ошин
Ошаб ўтсин дунёда.

Гарчи фано ҳар кимсага
Азалий бир қисматдир.
Лекин, она, тириклик ҳам
Билсанг, ярим ҳикматдир.

Тушларимда, майли, бошим
Силаб тургин, онажон.
Қолганларга энди умр
Тилаб тургин, онажон.

У кун четда оҳ чекардим
зуссаларнинг дастидан,
Сен отамга пул берибсан
Ёстигининг остидан.

Айтибсанки, онасизлик
Келмасин ҳеч ўйига.
Сарф қилинғиз, менга эмас,
Абдулланинг тўйига.

О, ўелинғга сен шафқатни
Билардинг-ку, онажон.
Бундан кўра бағрим ўйсанг
Бўларди-ку, онажон.

Заррагина раҳм этгали
Сабринг менга йўқмиди?
Онажоним, бундан ўзга
Жабринг менга йўқмиди?

Йўқмиди ҳеч ўзга гапинг.—
Нола қилиб сўйласанг.
Наҳот, ахир сўнги дам ҳам
Фарзандингни ўйласанг.

Ахир орзу қочиб кетмас,
Битказар-ку тириклар.
Онажоним, бир кунини
Ўтказар-ку тириклар.

Унутилар гуссалар ҳам,
Орзулар ҳам чўзар бўй.
Онажоним, балки бир кун
Айтганингдай бўлар тўй.

Балки сенинг қабринг узра
Кўкарганда гул чечак,
Остонамга қадам қўяр
Сен истаган келинчак.

Кимдир унинг йўлларига
Балки гул ҳам сочади,
Балки мунис онажоним
Кел деб, қучоқ очади.

Балки дўстлар даврасида
Камим бўлмас ҳеч қачон,
Лекин сени ўша дамда
Қайдан топай, онажон.

Эсимдадир, титрар эдим —
замгин, болиш пастиди.
Китобимни кўрдим ногоҳ
Бошиганингнинг остиди.

Тошдай қотдим ўшал они
Бор тоқатдан айрилиб.
— Шоир ўғлим,— дединг менга
Секингина қайрилиб.

Онажоним, сўнг бор менга
Нафас қилдинг у замон.
Шоир бўлгин дея балки
ҳавас қилдинг у замон.

Онажоним, балки мен ҳам
Бир кун шавққа тўларман,
Балки мен ҳам айтганингдай
Бир кун шоир бўларман.

Куйлай десам ҳурматингни
Ушбу кунда тилим лол.
Балки фақат шу сабабли
Шоир бўлсам эҳтимол.

Балки сарсон-аросатда
Қолиб кетмас бу таним,
Камолимни кўрар балким,
Юртим — она-Ватаним.

Пайти келиб тўлар бир кун
Паймона ҳам беомон.
Кузатарлар мени ҳам сўнг
Сенга томон, сен томон.

Балки у кун бошим узра
Дўстлар бош ҳам эгадир,
Ўша дамги иқболим ҳам,
Онажоним, сенгадир.

Дилда неки журъатим бор,
Дилда неки ҳаяжон,—
Бари-бари сенга бўлсин,
Сенга бўлсин, онажон,

Сенга бўлсин бор ҳаётим,
Номим, шоним бир йўла,
Хотиранга ушбу шеърни
Ёзди ўғлинг Абдулла.

РАУФ ПАРФИ

Балки ўчган эдим ёдингдан

Балки ўчган эдим ёдингдан,
Ширин хаёлингни буздимми?
Лайло, Лайло, сенинг ёнингда,
Япроқ каби кўрдим ўзимни,
Ширин хаёлингни буздимми?

Сени ўйлаб келмайди уйқу –
Қора туннинг ўзга сеҳри бор.
Тушларимда топай деб гулрў,
Мен ухларман мангу, эҳтимол.
Гўзал тушлар тилайман, Лайло...
Яна пайдо бўлдинг йўлимда,
Яна йўлларингда бўзладим.
Бечора қалб сенинг қўлингда,
Кўзларингда менинг кўзларим.
Нечун пайдо бўлдинг йўлимда?..

УСМОН АЗИМ

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафак.
Жоним, қалбим шеърятнинг пичоғида...
Замин – тилсим. осмон – тилсим... шеър – бешафқат.

Мен қийналдим. Хаёлимнинг қанотида
Денгизларни кўтарганча толиб учдим.
Юлдузларни кўп кўрганман хаётимда,
Денгиздаги юлдузларни келди кучгим.

Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро...
Қат-қат булут қатларида не сир-асрор.
Ҳайрат ичра ўлдиргуси мени само,
Она замин, уча қолай, қўйиб юбор.

Мен ёр дедим.. Лайлими ё, Ширинми ё.
Ёки энди туғилажак бирор малак?
Мана, мен, деб кўз олдимда бўлди пайдо,
Мана, мен, деб шеърдан боқди якто юрак.

Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ,
Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Шеър ёзилар... кийноқ, сенга бўлсин шараф,
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...

Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором кучоғини -
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!

УЛУГБЕК ҲАМДАМ

Атиргул,
Инсоннинг қонидай қизил гул,
Бунчалар бағринг хун,
Атиргул?..

Атиргул,
Эслатдинг сен менга кимнидир,
Кимгадир ўхшайсан жуда ҳам,
Юзлари тилинган,
Қип-қизил қонга бўялган кимгадир...
Кимга?..
Кўнгилидир балки?..
Кўнгили...
Атиргул...

Атиргул,
Ҳолимни эслатдинг,
Босган ҳар йўлимни эслатдинг,
Қон бўлган дилимни эслатдинг,
Эслатдинг,
англатдинг,
атиргул...

Атиргул,
Жавоб бер, сен менга,
Жавоб бер, қийналиб кетдим мен...
Дийдаси қаттик,
Иймони суст,
Маърифатсиз бу дахру дунда,
Юрак бағринг қип-кизил қон.
Бўлишига қарамай,
Сени тушунмаган,
Сени инкор қилган,
Ҳар лахзада
Бошингни сапчадек узиб ташлашга қодир
Ва
Кун келиб,
Шундай узиб ташлайдиган,
Бу қаттол дунёнинг қўлига,
Унинг дастидан,
Қон бўлиб оқиб кетган ўзлигингни,
Ол қадахга сузиб,
Яна бошни адл тутиб,
Устига устак,
Тавозе билан,
Қандай қилиб сунуш мумкин,
Айт менга,
Ўргат менга шуни атиргул?!..

Атиргул,
Сен мандан баландсан,
Сен мандан ҳимматли,
Олийнасабсан, атиргул...

Атиргул,
Рухсат бер,
Ўқувчинг бўлай мен,
Атиргул,
Рухсат бер,
Сен ҳақда тўлиб тошиб ёзгувчинг -
тўқувчинг бўлай мен,
Атиргул!..

Атиргул,
Қанийди. мен сенга ўхшасам,
Дунёнинг
Узиб олиш учун чўзилган,
Қаттол илкига
Парво қилмай.
Сендайин яшасам,
Очилсам...
Сўнг...
Майли...
Сочилсам,
 атиргул...
Атиргул - кўкрак қафасимда кишанланган Гул!..

ҚУТЛИБЕКА

Соғиниб келдим

Отамни отадай кучган, эй тупроқ,
Онамни онадай кучган, эй тупроқ.
Гардинг кўзларимга сурмалар қилай.
Суврати кўнглимга кўчган, эй тупроқ,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Ойдинда ошиқлар солган сўқмоқлар,
Атирлар ифори колган сўқмоқлар.
Қилдай жони билан қаттиқ тирмашиб,
Балаңдларга чикиб олган сўқмоқлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Тубларида осмон оққан анҳорлар,
Мавжида юлдузлар қалққан анҳорлар.
Бир толни бир кунда минг бора ювиб,
Майсаларга маржон таққан анҳорлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Ёмғир ичиб гулқиз бўлган, эй боғлар,
Қаҳратонда қорқиз бўлган, эй боғлар.

Ёз, куз гулханида ёниб битмаган,
Шамолларда ҳофиз бўлган, эй боғлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим

Кўзимнинг устида кўрганим оғам,
Номард дунёда мард юрганим оғам.
Изимдан изиллаб бўронлар кувса,
Қалқоним, қалъан кўрғоним оғам,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Аждоди фозила отин бибилар,
Койиши, олқиши олтин бибилар.
Элни эл қилгунча муштдай юраги,
Гоҳ тутун, гоҳида ўтин бибилар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Кўнгил дарёмдаги чўкмас кемалар,
Болалар, холалар, тоға, аммалар.
Жонлари жонимга туташиб кетган,
Қорақош, қоракўз – ҳамма, ҳаммалар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

САЪДУЛЛА ҲАКИМ

Тун.
Ёмғир шовуллар,
Шамол тентирар,
Тарақлаб очилар эшик ногаҳон,
Хонага ёприлар ёмғир салқини.
Қордек оқ кўйлакли бўлик бир жувон.

Остонада ўйчан термулиб турар,
Сирли оҳанглардан энтикар қалби,
Шамол сочларини тортқилаб қочар,
Шаффоф томчиларни юзига сочар,
Ҳилпирар кўйлаги оқ ёлқин каби,
Жунжикиб оҳиста кирар ётоққа.

Кўксини тўлдириб ёмғир навоси,
Кўз очару жонбахш сезгидан эри.
Сингиб кетар муздек бағрига эриб,
Май каби симириб баҳор хавосин.

Тун.
Ёмғир шовуллар,
Шамол энтикар.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

Билмаслар

Кўрдим, кишлок, гўзал шаҳарлар кўрдим,
Оҳорлари кетиб борар, билмаслар.
Жамалаксоч пари – пайкарлар кўрдим,
Баҳорлари кетиб борар, билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,
Дунё молин маҳкам тишлар тишлари,
Боғларининг ширинзабон қушлари,
Олқорлари кетиб борар, билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари,
“Гижинглайди”, деб ўйласам, додлади.
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади.
Шунқорлари кетиб борар, билмаслар.

Кузатиб бу дунёнинг ўру кирини,
Билмай қолдим келмак, кетмак сирини,
Ёлғон ёрлар ялашиб бир-бирини,
Чин ёрлари кетиб борар, билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда,
Бу талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда
Ҳалима ҳам ўтиб борар, билмаслар.

ЗУЛФИЯ МЎМИНОВА

Ўйланиб ўтардим бу кўчалардан,
Энди кулиб ўтгум, ўйланиб ўтгум.
Жаннат юзлилар-ла мубораклашиб,
Беклар суҳбатидан гул териб ўтгум.
Алвон гуллар экдим кўнгил бўстонига!
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Чашмалар болини энди тушундим,
Кушлар саволини энди тушундим,
Қирлар шамолини энди тушундим,
Томирдек туташдинг, юракда – жонда,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Энди ҳазонлардан гул қидирмасман,
Энди нодонлардан дил кидирмасман,
Йўлим сен, мен гирён йўл кидирмасман,
Қариндош тутиндим гул, гулистонга,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Дилимдан сўз очсам, ғунча очилгай,
Парилар кўлида тугунча очилгай,
Шодлансам, шодликлар шунча очилгай,
Мисли атиргулман тоғги рахшонда,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

Кўнгилни кўнгил-ла кошона этдим,
Сўзнинг мадорини дармона этдим,
Сиғиндим дуони дармона этдим,
Ўзига шукрона ҳар дам, ҳар онда,
Истиклол мангу қол, Ўзбекистонда!

ЙЎЛДОШ ЭШБЕК

Сузар дарёда бир ой,
Тўлқинлари бахтиёр.
Атрофда ёруғ чирой,
Ойдинликда ифор бор.

Ой чиқиб борар узоқ,
Чўзиб қолар соҳил кўл.
Йўл топиб тўхтар қирғоқ,
Ўзин сувга отмас йўл.

Бурилиб, соҳил бўйлаб,
Бўйнини чўзиб югурар.
Атрофга сурма бўйлар,
Таратиб ой улгурар.

Чўчиб, уфққа бир қараб,
Шўнғир дарё мавжида.
Келар шафак ярқираб –
Ошиқ қуёшдан мужда.

ГУЛОМ МИРЗО

Учликлар

Юрак тинмай санар
тақдирнинг
дўлдек зарбаларини.

* * *

Дарахт хатлар йўллагач,
қиш томонга йўл олар
йўллар.

* * *

Қароқларим даричасидан
кириб-чикиб туради
Дунё.

* * *

Синикқан соғинчлардан
сарғаюр
саҳифалар.

* * *

Гоҳ шодлик,
гоҳ ғам тўла
муҳаббат жомии.

* * *

Умр –
тухфа эмас,
умр – қарз.

* * *

Кўнглим
тўлиб кетди –
уйим бўшагач.

* * *

Ўнгарилар кумсоғ – дунё,
зарра-зарра томади толе
осма доридай.

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ

ГАПСОТАР

Ҳой, гапсотар, гапсотар, айт, қачон жағинг қотар? Тиним билмай сайрайсан, бунча жағинг қайрайсан. Бир нафас тин олсанг-чи, гапдан сал-пал қолсанг-чи. Иш деса гап сотасан, гапдан қачон ортасан? Гап сотиш ёмон иллат, бундан юрак ейди лат.

Ҳой, гапсотар, гапсотар, айт, қачон гапинг битар? Ё гапдан ёрилсан, ё гапга қорилсан. Қуруқ арава мисол гапни олиб қочасан, анойи кўнгилларга уруғ каби сочасан. Уйда нуқул гап дейсан, кўчаларда гап сотиб, чойхонада гап ейсан. Дўстларинг сезар гапдан, оиланг безар гапдан. Қариндош-уруғ қочар, сендан олдин гап очар. «Иш билганга бир танга, гап билганга минг танга». Ушбу мақол шиоринг, тўхта бир зум оғзинг юм, борми номус ва оринг.

Ҳой, гапсотар, гапсотар, гап сотган доим ётар. Гап сотиб ёз қишлайсан, айтгин, қачон ишлайсан? Деҳқон ерни тоблайти, сенчи гапни коплайсан, ҳамма ҳосил йиғганда мадҳияни боплайсан. Эринмасдан гап сотиб, бозорни тўлдирасан, тарозуга гап кўйиб, харидорни куйдирасан: «Кеп қолинг, ҳой ганхўрлар, сотаману кетаман. бир қопгина гапим бор, сотолмасам нетаман?».

Хуржунинг тўла гапдир, ўнг-сўлинг яна гапдир. Тўйга борсанг гап сотиб, микрофонни куйдирасан, меҳмонларни кар қилиб, жонидан тўйдирасан. Режа аниқ, минг оғиз гапирмасанг бўлмайди, лекин гапдан, оғайни, қорин қурғур тўймайди. Тўймаса тўймасин нетай, гап тугаса қайга кетай?

Ҳой, одамлар, қочинглар, гапсотар келяпти, елкасида гапхалта шамолдай еляпти. Давраларни бездириб жонингдан тўйдиради, гап сотиб охири гап билан ўлдиради.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

“ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ”дан ИЛТИЖО

Ойи, мен келдим... Эшитяпсизми, ойи, мен яна келдим...

Қаранг, ойи, тагин кўклам кирди. Эсингиздами, ҳар йили баҳор кириши билан сизни далага олиб чиқардим. Сиз чарақлаган офтобни, тиниқ осмонни, кўм-кўк майсаларни кўриб қувонардингиз. Эсингизда-ми, невараларингиз териб келган бойчечакларни кўзингизга суртиб, «омонлик-сомонлик» қилардингиз...

Бугун... ўзингизнинг устингиздан бойчечак ўсиб чиқибди... Йўқ, йўқ, ойижон... Йиғлаётганим йўқ. Биламан, мен йиғласам, сиз безовти бўласиз. ҳозир... ҳозир ўтиб кетади. Мана, бўлди...

Эрталаб-чи, ойи, ёмғир ёғди. Қаттиқ ёмғир ёғди. Сиз баҳор ёмғирини яхши кўрардингиз... Кейин офтоб чиқиб кетди. Қаранг, офтоб чарақлаб ётибди... Эсингиздами, сиз менга офтоб тўғрисида чўпчак айтиб берган эдингиз. Ўша офтоб чарақлаб ётибди... Кўряпсизми...

Эсингиздами, ойи, сиз укамга алла айтардингиз. Мен алланинг оҳангига маст бўлиб ухлаб қолардим. Ўша бешикда мен ҳам ётганман. Алланингдан мен ҳам ором олганман. Нима қилай, ойи, мен алла айтишини билмайман. Қабрингизни силаб қўйсам ором оласизми... Мана, ойижон, мана... Йўқ, йўқ, йиғлаётганим йўқ, ҳозир, ҳозир ўтиб кетади...

Эсингиздами, ойи, сиз бир марта, атиги бир марта, ўшандаям ҳазиллашиб: «Мениям китоб қилиб ёзсанг-чи, ўғлим» дегандингиз. Мен: «Сизнинг нимангизни китоб қиламан, ойи?» деган эдим. Хафа бўлманг, мен ҳам ҳазиллашган эдим. Мана, ўша китоб. Йўқ, уни мен ёзганим йўқ. Уни сиз ёзгансиз. Мен уни қозоғга тушириб, одамларга тарқатдим, холос. Мен уни дунёдаги ҳамма оналар ўқишини хоҳлайман. Биламан, дунёдаги ҳамма оналар яхши. Шундоқ бўлсаям, уларнинг ҳаммаси Сизга ўхшашини хоҳлайман...

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД

“Беозор кушнинг қарғиши” хикоясидан

Бир кунни сандал атрофини тўлдириб овқатланаётган эдик. Катталар сандал тевагаида, мен укам билан катталардан чеккада, алоҳида дастурхонча тўшаб овқатланиб ўтирган эдик... Ёз кезларида сандалдан фойдаланмасак-да, кўрпасиз курси тураверар эди...

Онам билан дадам аразлашган кунлар экан... — Қадрия кўзларини катта-катта очганича раста устидаги сузма уюмига тикилди. — Уйимизда бирон йиғин бўлса, меҳмон-излом келса негадир дадам билан онамнинг ораларидан муқаррар ола мушук ўтмай қўймас эди... Билмадим, нега шундай бўларди?... Ўша кунлар эса Зулфия онамни узатганимизга ҳали йиғирма кун ҳам бўлмаган... Дадам билан онам аразлашиб, бир бирлари билан гаплашмай қўйишиганига биз болалар ҳам «чурқ» этиб овоз чиқаришига чўчир, уйимиз яқиндагина тўй бўлиб ўтган уйга ҳам ўхшамас эди...

Хузлас, ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизда, овқатланиб ўтирган эдик. Умид акам: «Ия, ановини қаранглар!» деб жимликни бузди. Ҳаммамиз акам кўрсатган томонга — ишфтга қарадик — деворга яқин тўсин биқинига қанишиб қалдирғоч қўниб турган экан! Укам ўзини тўтолмади.

— Ур-ре-е, қалдирғоч! — деб равонни бошига кўтарди. Ирғиб ўрнидан турди.

— Ўчир! — дедилар онам таҳдидли товушида, лекин овозларини баландлатмай.

— Нимага қўниб турибди? — ҳайрон бўлиб сўради кичик акам.

— Ўшатта миҳ бор... қолиб кетган... Дадамнинг бепарво ва бамайлихотир айтган гапидан ҳаммамизнинг ҳайронлигимиз баттар ортди.

— Ҳеч қайсиимиз кўрмаган миҳни, шу қуш топибди-да!..

— Секин, Умид! — онамнинг овозларида ҳам эҳтиёткорлик, ҳам қувонч, фавқулодда мамнунлик шарпаси яққол сезилди. — Чўчиб кетмасин.

— Қўниб тураверадими? — сўрадим мен қалдирғочнинг қизғиши томоғидан, жажжжигина, юм-юмалоқ бошидан кўз узмай.

— Кечаям кирганди. Ҳайдасам, рос-са айланиб-айланиб учди-де, деразадан чиқиб кетди. Яни кирибди.

— Ҳай, бемаза, нега ҳайдайсан?! Уч кундан бери айланишади-я. Бугун тунашга қолди.

Онам бировлардан норозилансалар энг оғир сўзлари «бемаза» бўларди. Демак, укамнинг қалдирғочни ҳайдагани энгил гуноҳ, «бемаза» деган сўзлари шунчаки жўн танбеҳ эмас эди.

— Ҳайдамайми, ойи?! — бояги ҳовлиқишидан пича бўшашиб сўради укам.

— Йўқ, ҳайдама, — дедилар онам худди қалдирғоч эшитиб қолишидан хавотирлангандай шивирлаб. — «Шетга уя курсам рухсат берасизларми-и?» деб ижозат сўрагани, шу туриши. қалдирғочни ҳайдаса ёмон бўлади...

Эсимда, пиёладаги чойни майдалаб хўплаб ўтирган дадам бирдан товуш чиқармай, елкаларини силкита-силкита кулиб юбордилар.

СИРОЖИДДИН САЙИД

ЭГАСИ БОР ЮРТ

*Очсанг давронларнинг китобларини,
Қанча қарвонларнинг эртаги бордир.
Тингла доноларнинг хитобларини:
Эгаси бор юртнинг — эртаси бордир.*

*Дунёнинг манзилу маконларида
Бир рўзгор бут бўлса, тўрттаси хордир.
Боққил бул диёрнинг кўрғонларига:
Эгаси бор юртнинг - эртаси бордир.*

*Бунда ой, кўёшдан чехралар олган
Ўғил ҳам қизларнинг эркаси бордир.
Ҳар айтган сўзидан Ватан тугилган
Эгаси бор юртнинг - эртаси бордир.*

*Милён ўзбекларнинг умидлари жам
Милён бу овозлар - номус ҳам ордир.
Чопдим шеърларимни кўлтиқлаб мен ҳам:
Эгаси бор юртнинг - эртаси бордир.*

*Қалдирғочларга бер айвонларингни,
Қушиниң ҳам бек билан бекаси бордир.
Сингилжон, экавер райхонларингни:
Эгаси бор юртиниң - эртаси бордир.*

*Умр гоҳи ширин, гоҳи талх бўлғай,
Удуг ниятларга Оллоҳ ҳам ёрдир:
Эгаси бор юртиниң эли халқ бўлғай.
Эгаси бор юртиниң - эртаси бордир.*

ИҚБОЛ МИРЗО

Айтгил, дўстим

*Бошинг эсиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт.
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?*

*Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Удуг инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?*

*Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?*

*Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпақ қутадирсан?
Ахир ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?*

*Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?*

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб қулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик ватан учун?

ФАХРИЁР

КЕЧИНМА

...the best way out is always through...
Robert Frost

(энг зўр чиқиш йўли ҳамиша орадан ўтади
Роберт Фрост)

ким ўйлаб топган экан бу сўзни
идишга ўхшаи бир сўз
нимани жойласанг жойлашаверар

бемор иштаҳасидай
нозик эмас сўзнинг таъби у қадар

гуноҳ каби умрни кечирмоққа
дунёга келган банданинг
ўзга имкони йўқдир

кечинма
умрни кечирмоқ жараёнида
банданинг кўнгилга туккан туйғулари
бўйиндаги сиртмоқ каби туйғуни
кечирганинг эвазига
ким ечиб олади
билмайсан

кечинма
сиртмоқдай маҳкумлиқ
ўқилмаган ҳукмининг шарпаси
муқаррар қатл

Ҳар ким буйнида
бир сиртмоқ қатлини кўтариб юрар
кечинма қилиб

ўлим кўрқинчлимас
фақат кечинмага чидаб берсанг бас
фақат тасаввурга дош берсанг бўлди

кечинма
сиртмоқ каби
бу дунёда ечилмас

кечкининг
кечиргининг қолдиғи
кечинма
13 рақами каби
ҳеч нарсага бўлинмас парчаланмас
унинг
катталаниб бораётган яхлитлиги
юракни ёради қоқ ўртасидан
ҳаёт ва мамотга тенгдан насиба
улашади одил кечинма

кечинма
кўнгил ҳукми

адо этилмагунча
ҳукмдан қутулиб бўлмайди

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Ифодали ўқишнинг илк қадамлари.....	4
Ўқиш суръати ва матн мазмунини ўзлаштиришга оид машқлар.....	9
Мақоллар ва уларни ифодали ўқиш хусусиятлари.....	12
Насрий асарларни ўқиш хусусиятлари.....	13
Масалларни ифодали ўқиш.....	28
Шеъррий асарларни ифодали ўқиш.....	31
Диалогларни ифодали ўқиш.....	34
Матн намуналари.....	39

«Ифодали ўқиш»

тўгараги учун материаллар

Муҳаррир
Техник муҳаррир
Дизайнер
Саҳифаловчи

Б. Ботиров
А. Назаров
Б. Тўхлиев
Н. Раҳмонов

Босишга 2011 йил 20 октябрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 ¹/₁₆ Times гарнитураси.
Оффсет босма. Шартли б.т.: 4,5. Адади 100 нусха.
Буюртма №32

"БАЁЗ" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.

8000

012253/1
K4